



XASR



TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

IJTIMOY-SIYOSIY GAZETA

2012 йил 5 июль, пайшанба 27-(451)-сон



ЖОРИЙ ЙИЛ БОШИДА O'ZLIDER ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ҚОШИДА «ДИЙДОР» САЙЁР ГУРУХИНИНГ ТУЗИЛГАНИ АЙНИ МУДДАО БЎЛДИ



БАНК ТОМОНИДАН ЎТГАН ЙИЛИ КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИГА 58,3 МЛРД. СЎМ КРЕДИТ АЖРАТИЛДИ



ИСПАН БАНКЛАРИГА ИНКИРОЗДАН ҚУТУЛИШ УЧУН 300 МЛРД. ЕВРО МИҚДОРИДА МАБЛАФ КЕРАК БЎЛАДИ

Партия лойиҳаси

ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯДАН — ЗАМОНАВИЙ БИЗНЕСГА

O'zLiDeP Siёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси билан ҳамкорликда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тузилмалари фаолиятига замонавий технологияларни жорий этиш масалаларини муҳокама қилди.

Мулоқот форумида Савдо-саноат палатаси, Молия ва Иқтисодиёт вазирликлари, «Ўзқшлоқ-ўжаликмашизинг» акциядорлик компанияси ҳамда суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари томонидан тадбиркорликни янада ривожлантириш, ишбилармонларнинг иқтисодий-ҳуқуқий билимларини ошириш масалалари хусусида сўз юритилди.

Ёшлар қаноти

ТАЛАБАЛИК ОРТДА ҚОЛДИ. НАВБАТ — КИЧИК БИЗНЕСГА

O'zLiDePнинг «Диплом билан — бизнестга» лойиҳаси янги авлод вакиллари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка жалб этиш ва уларда ишбилармонлик кўникмаларини шакллантиришга қаратилган бўлиб, жорий йилда 5000 дан ортиқ битирувчи ана шу лойиҳада қатнашиш истагини билдирди.

Таҳлилчилар 2011 йили лойиҳа доирасидаги ўқув машғулотларида жами 1450 нафар битирувчи ёшлар ўз бизнес лойиҳаси билан иштирок этиб, уларнинг 560 нафарига тижорат банклари томонидан 3 млрд. 203 млн. сўмдан зиёд имтиёзли кредитлар берилганини таъкидламоқдалар. Натижада 1000 дан зиёд янги иш ўрни яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2012 йил 3 июлдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, бошқона ва бошқа мажбурий тўловлар учун қорғинчи валюталарнинг сўмга нисбатан қўйилган қийматини белгилади:

1 Австралия доллари	↑ 1930,95
1 Англия фунт стерлинги	↑ 2957,23
1 Хитой юани	↑ 297,52
1 Швейцария франки	↓ 1984,91
1 АҚШ доллари	↑ 1888,64
1 ЕВРО	↑ 2365,49
10 Япония йенаси	↑ 236,76
1 Украина гривнаси	↑ 236,30

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маъмуриятининг ушбу қўйилган сотилиш ва сўриш ортиб мажбурийлигини олмага.

ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!

Мустақиллик — Ватанимизнинг мангу мартабаси

«ЎЗ ИСТИҚЛОЛ ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИМИЗ — БУ ГУЛ БИЛАН ҚОПЛАНГАН ЙЎЛ ЭМАС, БУ ТОТАЛИТАРИЗМ МЕРОСИДАН ХАЛОС БЎЛИШ ВА ПОКЛАНИШ, МАФҚУРАВИЙЛИК ИЛЛАТИ ЕТКАЗГАН ЗИЁН-ЗАҲМАТЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШНИНГ ҚИЙИН, УЗОҚ ДАВОМ ЭТАДИГАН ЙЎЛИДИР»

Президентимиз Ислам Каримов томонидан мустақиллигимизнинг дастлабки кунларида айтилган ана шу сўзларни бугунги воқелик билан қиёласак, ўша пайтдаги қалтис ва кескин муаммоларга қарамай, она-Ватанимиз истиқболига буюк ишонч билан қарлаганини қалбдан ҳис этамиз. Ҳа, бугун янги Ўзбекистоннинг қарийб 21 йиллик ҳаёт йўли чиндан ҳам гул билан қопланмаган, текис ва раван йўл бўлмаганини, зеро, озодликка эришиш, уни асраб-авайлаш учун тинмай кураш олиб борилганини янада чуқурроқ англаймиз.

Юртбошимиз республика раҳбари этиб сайланган куннинг эртасига — 1989 йилнинг 24 июнь кuni Ўзбекистон ССР Министрлар Совети мажли-

сидаги биринчи нутқидаёқ «Биз бундан буён эскича яшолмаймиз» деган эдилар. Ишончсизлик билан ишонч, ҳасад билан ҳавас, ривкорлик билан фидойилик, ёлғон билан рост, адоват билан адолат курашаётган ана шундай мураккаб вазиятда собиқ иттифоқнинг мафқуравий қарашлари ва сиёсатига қарши бу қадар очик муносабат билдириш буюк жасорат эди.

Бизни истиқлолга олиб келган машаққатли ва шарафли кураш тарихининг ўчмас саҳифаларини қайта-қайта кўздан кечирсак, айнан ана шундай мардлик туғайлигина бугунги дорилмон кунларга етиб келганимизни тегар тушунаемиз.

Депутатлик гуруҳларида

Мутасаддилар ҳисоботини қониқарли баҳолаш мумкин. Аммо...

АЙНИ ПАЙТДА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ҚЎНҒИРОТ, ҚОНЛИҚЎЛ ВА НУКУС ТУМАН КЕНГАШЛАРИДАГИ O'ZLIDER ДЕПУТАТЛИК ГУРУХЛАРИНИНГ АСОСИЙ ЭЪТИБОРИ АМАЛДАГИ ҚОНУНЛАР ВА ДАВЛАТ ДАСТУРЛАРИ ИЖРОСИГА ҚАРАТИЛМОҚДА

— Маълумки, мулкдорлар қатлами давлат ва ҳўжалик бошқаруви тизимини демократлаштиришга қаратилган ислохотларнинг изчил амалга оширилишидан ҳар қандай соҳа эгаларидан кўра кўпроқ манфаатдордирлар. Жўқорги Кенгесдаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳи раҳбари Ботир Мирзаевнинг таъкидлашича, бундай ислохотлар хусусий сектор вакиллари билан ишчилик қобилиятини тўла рўёбга чиқариш, мулкни сақлаш ва яна-

да кўпайтиришнинг муҳим кафолати бўлиб ҳам хизмат қилади. Шунинг учун ҳам O'zLiDeP давлат ҳокимиятининг ижроия органлари фаолияти юзасидан депутатлик назоратини янада кучайтириш, жойларда ислохотларнинг амалга оширилиши, иқтисодий ва ижтимоий муаммоларнинг ҳал этилиши, аҳоли бандлиги ва фаровонлигини янада ўстириш учун ижроия ҳокимияти органлари масъулиятини оширишда жамоатчилик назоратини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Масалан, халқ депутатлари Қўнғирот туман кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳининг яқинда бўлиб ўтган йўналишида 2012 йилда янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг тумандаги ижроси юзасидан мутасадди идоралар раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилди. Унда асосий эътибор касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш масаласига қаратилди.



Сиёсий фаолликдан — амалий мақсадларга

ТОШКЕНТДА «O'ZLIDERНИНГ ПАРТИЯ ҚУРИЛИШИ СОҲАСИДАГИ НАВБАТДАГИ ДОЛЗАРЪ ВАЗИФАЛАРИ» МАВЗУИДАГИ РЕСПУБЛИКА АМАЛИЙ СЕМИНАРИ ИШ БОШЛАДИ

Маълумки, «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да тақлиф этилган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчаларни киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)»ги қонуннинг кучга кириши давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимини янада демократлаштириш, мамлакатни модернизация қилишда парламент ҳамда сиёсий партияларнинг роли ва

масъулиятини янада оширишга хизмат қилди.

Мазкур ўқув-семинарда ҳам партиянинг барча даражадаги тузилмалари вакиллари, вилоят кенгашлари фаоллари, депутатлик гуруҳи аъзолари ва бошланғич партия ташкилотлар раҳбарлари мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг янги босқичида жойларда жамоатчилик назоратини кучайтириш, ислохотлар самарасига реал таъсир кўрсатувчи, уларнинг муваффақияти учун масъул бўлган сиёсий етук ва мала-

кали кадрларга эҳтиёж ортиб бораётганини таъкидладилар.

Партия фаолларининг фикрича, ушбу семинар O'zLiDeP Сиёсий Кенгашининг IV мажлиси қарори ва тавсияларининг худудларда қандай бажарилаётганини таҳлил қилиш, энг аввало, худудий кенгашлар ва депутатлик гуруҳлари фаолиятини такомиллаштириш, бошланғич ташкилотлар самарадорлигини ошириш, уларга услубий ва амалий тавсиялар бериш мақсадида ташкил этилди.

Парламентда

Назорат-таҳлил натижаларидан қандай хулосалар чиқарилди?

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНING АГРАР ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ МАСАЛАЛАРИ КЎМИТАСИДА «НАСЛЧИЛИК ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУННИНГ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ ТОМОНИДАН ИЖРО ЭТИЛИШИ ҲАҚИДАГИ НАЗОРАТ-ТАҲЛИЛ ФАОЛИЯТИ ЯҚУНЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ



Маълумки, Президентимизнинг 2006 йил 23 мартдаги «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжалиқларида чорва молларини кўпайтириш шартлари ва рақобатдорлигини таъминлашга устувор аҳамият берилаяпти.

флик, соҳани жадал ривожлантириш имкониятлари кенгайди. Қабул қилинган аниқ режа ва дастурлар асосида чорва бoш сони ҳам, улардан олинаётган маҳсулотлар ҳажми ҳам йилдан-йилга ўсиб бормок-

БУГУНГИ СОНДА: ХДП МАКТАБ ДЕВОРИНИ ҚУЛАТДИ

«Ўзбекистон овози»даги бундай мақола нима учун ва қандай мақсадда чоп этилди? ХДП нашри нега тўхтовсиз ёлғон маълумотлар билан газетхонларни чалғитишга уринмоқда, деган ҳақли савол туғилмайдими ўқувчида?!



Партия ҳаёти


Сиёсий фаолликдан — амалий мақсадларга

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Қахрамон САЙДАЛИЕВ,
«XXI ASR»

O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси аппарати раҳбари Фурқат Хатамовнинг қайд этишича, тадбирни ўтказишдан асосий мақсад партия қурилиши соҳасидаги ишларни янада яхшилашга қаратилган чора-тадбирларни белгилаш, айрим партия тузилмалари фаолиятидаги камчилик ва нуқсонларнинг сабабларини таҳлил қилиш ҳамда келгусидаги режаларни белгилаб олишдан иборат. Зеро, демократик ислохотларнинг бугунги босқичи партия қурилиши соҳасини тубдан ислох қилишни талаб этмоқда.

Ана шундан келиб чиқиб, семинарнинг биринчи иш кунинда O'zLiDePнинг навбатдаги босқичдаги амалий ишлари, аёллар ва ёшлар билан ишлаш бўлиmlарининг асосий йўналишлари, бугунги рақобат муҳитида Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O'zLiDeP фракцияси, жойлардаги депутатлик гуруҳлари ва бошлангич ташкилотлар олдида турган вазифалар муҳокама қилинди. Семинарда, шунингдек, партия ҳудудий бўлиmlарида белгиланган тартибга мувофиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни расмий-



лаштириш, сиёсий таълим марказлари ва мафқуравий, тарғибот-ташвиқот ишлари бўлиmlари самарадорлигини ошириш каби масалалар юзасидан ҳам атрафлича фикр юритилди.

Анжуманнинг бугун давом этадиган иккинчи иш кунинда эса иштирокчилар гуруҳларга бўлинган ҳолда ўз фаолият йўналишларидан келиб чиқиб, партиявий ишларнинг

сифати ва самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқарилди. Ҳуқуқ-семинари давомида партия электорати манфаати юзасидан олиб борилган ишларни янада кучайтириш, бунда маҳаллий кенгашлардаги депутатлар ва депутатлик гуруҳлари фаоллигини бунданда ошириш масалалари атрафлича кўриб чиқилди. Семинарда, шунингдек, вакилик

ва ижро ҳокимияти органлари учун кадрлар захирасини шакллантириш, сиёсий ўқувлар самарадорлигини оширишнинг янги усулларини қўллаш, O'zLiDeP стратегик ҳамкорлари саналган Савдо-саноат палатаси, Фермер хўжаликлари уюшмаси ва бошқа жамоат ташкилотлари билан алоқаларни мустаҳкамлаш масалалари ҳам муҳокама этилади.

Назорат-таҳлил натижаларидан қандай хулосалар чиқарилди?

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀


Ўз мухбиримиз

Соҳа мутасаддиларининг фикрича, бугун мамлакатимизда 9 миллион 679 минг бош қорамол бўлиб, шундан 3 миллион 887 минг 500 таси сигирлардир. Кейинги беш йилда хориждан 23 минг 244 бош насли қорамол келтирилиб, улардан ҳозиргача 3 миллион 336 минг зотли бузоқ олинди.

Насли хайвонлар генофондини асраш, зотдор буқалар уругини сақлаш мақсадида молия муассасалари кредитлари ҳисобидан «Ўзаслчилик» корхонасининг моддий базаси тубдан яхшиланиб, замонавий ускуналар билан жиҳозланди. Шунингдек, сигирларни суъий уруғлантириш қамровини кенгайтириш учун сўнгги уч йилда республика бўйича 2596 та зооветеринария шохобчаси ташкил этилиб, шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларига сервис хизмати кўрсатиш йўлга қўйилди. Қорамолчилик тармоғидаги 414 та наслчилик хўжалигида қора-ола, швиц, қизил чўл сингари зотлардан иборат жами 99 минг 460 бош мол парваришланмоқда.

Чорвачиликнинг муҳим тармоғи ҳисобланган қўйчиликда ҳам насли асраш биринчи галдаги вазифаларга айланди. Шунинг учун ҳам бул республикамизнинг 7 та вилоятидаги 30 та наслчилик хўжалигида жами 1 миллион 119 минг бош қоракўл қўйлари боқилмоқда. Бундан ташқари, хисори, жайдари ва саражи сингари зотли қўйларнинг 39 минг 400 боши парваришланаяпти.

Ҳуқуқий жиҳатдан мазкур соҳа «Наслчилик тўғрисида» ва «Ветеринария тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан тартибга солинмоқда. Лекин O'zLiDeP фракцияси аъзолари ушбу ҳужжатларда соҳани фақат давлат томонидан боқариш тизими белгилаб берилганини таъкидламоқдалар. Уларда чорвачиликда



иш юритиш механизмлари, озуқа етиштиришнинг ўзига хос жиҳатлари, насли маҳсулотлар хусусияти, бозор муносабатлари шароитида сифатни назорат қилиш, хайвонларни идентификациялаш, наслчилик субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, энг муҳими, жавобгарлиги етарли даражада акс эттирилмаган.

Мамлакатда чорва молларининг маҳаллий генофондини асраш ва ривожлантиришга қаратилган алоҳида дастур ишлаб чиқиш, бу борада етакчи муассасани белгилаш ва унга муайян ваколатлар, моддий ва молиявий ресурслар бериш, илмий-тадқиқот институтлари фаолиятини мувофиқлаштириш, ўқув юрларини қўллаб-қувватлаш билан бирга фермер хўжаликларини ушбу тизимга жалб этиш лозим, — дейди O'zLiDeP фракцияси аъзоси Ориф Шарипов. — Шунингдек, наслчилик билан шуғулланувчи субъектлар ўртасида кооперация муносабатларини кенгайтириш ҳам муҳимдир.

Назорат-таҳлил фаолияти яқунларига кўра, эришилган натижалар билан бирга соҳада қонун ижросини таъминлаш

борасида қатор камчиликлар ҳам йўл қўйилаётгани қайд этилди. Жумладан, илмий-тадқиқот муассасалари имкониётларидан етарлича фойдаланилмаётгани депутатларнинг диққат марказида бўлди. Шунингдек, «Наслчилик тўғрисида»ги қонунда белгилаб қўйилган аниқ талаблар — наслчилик-селекция марказлари, наслчилик-иммуногенетик назорат лабораториялари, наслчилик назорат-синов станциялари, эмбрионлар трансплантацияси марказлари, ноёб ва йўқолиб бораётган хайвонлар генофонд марказларини ташкил этиш мақсадида мувофиқ, энг ачинарлиси, қонун қабул қилингандан буён унинг айрим талаблари, хусусан, насли маҳсулот сифатини назорат қилиш, уларни мажбурий равишда сертификатлаш, хайвонларни идентификациялаш тартиблари, наслчилик ишларининг стратегик субъектларини ташкил этиш ва мақомини белгилашга оид нормалари ҳалигача бажарилмай келмоқда.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан қўмитанинг аниқ тавсиялари ишлаб чиқилиб, тегишли қарор қабул қилинди.

Мулоқот форуми

Замонавий технологиялардан — замонавий бизнесга

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Зиёдулла МҮМИНОВ,
«XXI ASR»

Бугунги форумдан кўзланган асосий мақсад хусусий секторни қўллаб-қувватлаш ва тараққий эттиришга хизмат қилаётган қонунлар ва қонуности ҳужжатлари, жойларда ишбилармонларга хизмат кўрсатувчи ташкилотлар фаолиятига тўсиқ бўлаётган айрим муаммоларни аниқлаш ва уларга ечим топишдан иборат, — деди O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши аъзоси А.Алимов.

Форум иштирокчилари замонавий технологиялар ва замонавий бизнеснинг чамбарчаслигига тўхталиб, уларнинг ҳар иккаласи уйғун тарзда ривожланиб бораётганини алоҳида таъкидладилар. Мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг кенг ўрин эгаллаши, бу борада янги имконият, имтиёз ва преференциялар яратиб берилаётгани эса тадбиркорликнинг жадал ривожланишига хизмат қилмоқда. Хусусан, 2002 йилда мамлакат ишбилармонлари фаолиятини ривожлантиришга жуда катта ҳисса қўшаётган лизинг компаниялари сони 17 тани ташкил этган бўлса, бугунга келиб улар сони 80 тадан ошди. Улар томонидан истеъмолчиларга етказиб берилган турли русумдаги техникалар 5 баробарга кўпайган.

Тадбиркор ва фермерларга таклиф этилаётган техникалар ўзининг илҳамлиги, серунумлиги ва чидамлилиги билан талабга жавоб беради, — дейди «Ўзқишлоқхўжалик-машинизинг» компанияси раиси Нодир Отажонов. — Этиборли томони, бугун тадбиркор ва фермерлар қандай русумдаги техника олишни олдиндан ҳал этиб, бизга мурожаат этишмоқда. Қолаверса, улар бугун арзон мол қидиришмаяпти. Агарда 5-10 йил аввал 10-20 миллион сўмлик техникаларга кўпроқ буюртма берилган бўлса, ҳозирда 500-600 миллион, ҳатто 1 миллиард сўмлик техникаларга буюртмалар берилаяпти. Бу эса тадбиркорликнинг мустаҳкам оёққа туриб олганидан далолатдир.

Худди шунингдек, сугурта

бозоридан ҳам рақобат муҳити йилдан-йилга кучайиб бормоқда. Агар 2007 йилда республикамизда 27 та сугурта компанияси фаолият кўрсатган бўлса, ҳозирда улар сони 37 тага етди.

Тадбиркорлар фаолиятида сугурта ва сугурта бозори жуда катта аҳамият касб этмоқда, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, O'zLiDeP фракцияси аъзоси Шавкат Тешаев. — Бугун республикамиздаги сугурта компанияларининг ҳар бири рақобат муҳитига мослашган ҳолда истеъмолчиларга ўз хизматини таклиф этмоқда. Бу тадбиркорлар учун ҳам танлаш имконияти кенгайганини алоҳида таъкидлади.

Бироқ мулоқот форумида ана шундай натижаларга қарамай, соҳада ҳали ўз ечимини кутаётган масалалар борлигига ҳам эътибор қаратилди. Масалан, жойларда сугурта идоралари томонидан шартнома шартларининг тўлиқ бажарилмаслиги ҳолатлари учраб тургани, фермер ёки тадбиркорлар томонидан лизингга олинган техникалар тўловида узилиш бўлиб, ҳатто тузилган шартномалар бекор қилинаётгани тадбиркорлар фаолиятига салбий таъсир кўрсатапти.

Бугунги форумларнинг тез-тез ўтказилиши тадбиркорлар учун қони фойда, — дейди Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси бўлим бошлиги

Улғумурод Эрнараров. — Ўрта синф вакиллари, қишлоқ мулкдорлари айнан ана шундай тадбирлар давомида мамлакатимизда тадбиркорлик фаолияти эркинликлари, кафолатлари, уларга яратиб берилаётган шарт-шароитлар, имконият ва имтиёзлар ҳақида кенгрок маълумотларга эга бўладилар.

Форум давомида тадбиркорлар бухгалтерия ва аудит, сугурта ҳамда лизинг соҳаларида қабул қилинаётган меъёрий ҳужжатлар лойиҳалари билан ҳам танишдилар. Ўз ўрнида форумда иштирок этган тадбиркорлар Олий Мажлисда кўриб чиқилаётган қонун лойиҳаларига нисбатан ўз муносабатларини ҳам билдирдилар.

Ёшлар фестивали

НАМАНГАН ШАҲАР БОБҮР НОМИДАГИ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОХАТ БОҒИДА «ЁШЛАР СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ТАНЛАЙДИ!» ШИОРИ ОСТИДА ЁШЛАР ФЕСТИВАЛИ БЎЛИБ ЎТДИ

А. САТТОРОВ,
ЎзА мухбири

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Наманган вилояти бўлими томонидан вилоят ҳокимлиги, бошқа бир қатор давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ўтказилган фестивалнинг очилишида мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ёшларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар ўзининг юксак самараларини бераётгани алоҳида таъкидланди.

Ёшларга оид давлат сиёсати самараси бугунги ёшларнинг онгу тафаккури тобора юксалиб, дунёқараши кенгайиб бораётгани, интеллектуал салоҳияти жадал суръатларда ривожланаётганида ўз ифодасини топмоқда. Замонавий мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юрларидан таълим-тарбия олаётган ўғил-қизларимиз ўқиш, спорт, санъат ва бошқа соҳаларда улкан ютуқларга эришмоқда.

Фестиваль иштирокчилари шахмат-шашка, стол теннис мусобақалари, «Саломатлик бекатлари», «Алкоголь ва тамакисиз — соғлом



хаёт сари!», «ОИТСсиз — соғлом келажак сари!» шiorлари остида ўтган бир қатор акцияларда қатнашди, «Биз соғлом хаёт тарзи тарafdоримиз!» мавзусидаги расмлар танловида эса ёшларнинг беғубор орзу-интилишлари, тафаккур ва дунёқараши янада ёрқин намоён бўлди.

Тадбир доирасида ёшлар ўртасида тийжандлик, тамаки чекиш-

нинг қўнгилсиз оқибатлари, ОИТС касаллигига чалинмаслик омиллари, соғлом турмуш тарзи асослари ҳақида савол-жавоблар ўтказилди. Ушбу мавзуларда тайёрланган буклетлар тарқатилди.

Фестиваль «Янги авлод», «Келажак овози» кўрик-танловлари, «Нихол» мукофоти совриндорлари ҳамда ҳаваскор ёшлар ижросидаги концерт билан яқунланди.

«Ёз - 2012»

Болалар мириқиб дам олмоқда

ТАБИАТНИНГ СОЯ-САЛҚИН, СЎЛИМ ГЎШАЛАРИДА ЖОЙЛАШГАН ОРОМҒОҲЛАРДА ҲОРДИК ЧИҚАРАЁТГАН БОЛАЖОНЛАР УЧУН ҲАР БИР КУН МАЗМУНЛИ ВА МАРОҚЛИ ЎТМОҚДА

А. ОРТИҚБОЕВ,
ЎзА мухбири

Ўтган йилги мавсумда Қорақалпоғистон Республикаси бўйича «Энг яхши дам олиш маркази» деб топилган Тахиятош шаҳридаги «Ойдин йўл» болалар оромгоҳида бу йил ҳам болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш ишлари юксак савияда ташкил этилди. Дам олиш масканидаги чўмилиш хавзаси, кутубхона, «Ёш натуралистлар» ва рассомчилик тўғралик болажонлар билан гавжум.

Нукус шаҳридаги «Амударё» масъулияти чекланган жамиятига қарашли «Орол» болалар дам олиш масканида мириқиб дам олаётган 80 нафар ўғил-қиз билан ҳар кун режа асосида турли машғулотлар ўтказилмоқда. Бу ерда замонавий ахборот коммуникация технологияларига қизиқувчилар учун компьютер сабоқлари, қизлар учун тикиш, тўқиш, пазандалик ўргатиладиган машғулотлар, бой китоб фондига эга кутубхонада китобсеварлар учун қизиқарли

учрашувлар ўтказилмоқда. «Камолот» кунларида эса турли спорт мусобақалари уюштирилмоқда.

«Ёш авлод» оромгоҳида эса айни кунларда Тахтақўпир, Кегеили туманларидан келган 100 нафар бола мириқиб ҳордик чикармоқда. Бу ерда Қорақалпоғистон Республикаси Фавкулдада вазиятлар бошқармаси ташаббуси билан ўтказилган «Ёш кўтарувчи» ўқув-машғулотлари болажонларда катта таассурот қолдирди.

Оролбўйи таълим муассасалари қошида ташкил этилган кундуги оромгоҳларда ҳам ёзги таътил даврида болажонларни мароқли дам олдириш ва соғломлаштириш ишлари яхши йўлга қўйилган. Чимбой қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежи қошида ташкил этилган «Жаслик» ёзги дам олиш масканида 80 нафар ўғил-қиз таътил кунларини мазмунли ўтказмоқда. Бу ерда «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси Қорақалпоғистон Республикаси бўлими томонидан уюштирилаётган кўнгилчор тадбирлардан болажонлар бир олам завқ-шавқ олмоқда.

Тақдиримсан, бахтимсан, эркин Ва обод Ватан!

МУСТАҚИЛЛИК — ВАТАНИМИЗНИНГ МАНГУ МАРТАБАСИ

Давоми. Бошланғичи 1-саҳифада ◀◀

Миродил АБДУРАҲМОНОВ

Орадан шунча йил ўтиб, Юртбошимизнинг ўша пайтлардаги «фақат ўз кучимиз, ўз салоҳиятимиз таяниб иш кўришимиз керак», «ўзимиз ҳаракат қилмасак, четдан келиб биров бизга ёрдам бермайди», деган даъватлари замиридаги улғу мақсадни бирданига англаш балки янги авлод вакилларига бироз мушкул туюлар. Аммо Фаргона воқеалари даврида кўча-кўйда, шаҳар ва туман марказларида ёндирилган уйлари, ҳаловатини йўқотган халқнинг таҳрирланганини, очлик ва қашшоқлик остонасидаги умидсизликларни, мамлакатимизнинг бошқа айрим ҳудудларида рўй берган нохушликларни кўрганлар бугунги ўзгаришлар моҳиятини юракдан ҳис этаётганларига шубҳа йўқ.

Ўзбекистон Мустақиллигининг 21 йиллиги шодибаналарига қизгин тайёргарлик кўрилаётган шу кунларда таҳрирларга келаётган ўнлаб хатлар, хабарлар, турли тоифа кишилари томонидан йўланаётган мақолаларда ҳам ана шундай эътироф алоҳида тилга олинапти.

Халқ депутатлари Наманган шаҳар кенгаши депутати, Наманган шаҳридаги 25-мактаб ўқитувчиси, O'zLiDeP аъзоси Муқаддам Иzzатуллаева мақоладаги кўйидаги фикрларга эътибор бериш: «Амир Темур замонасидан кейин беш аср ўтган, бу эл яна истибоддод занжирлари билан боғланди. Шундай оғир паллада Ўзбекистон буюк халоскорга муҳтожлик сезар, кимдан ва қаердан нэҳоят келади, дея тахликалар ичиде ашар эди.

Шундай бир пайтда бу халққа 650 йил аввал раво кўрилган имкон яна берилди. Мустақиллиги-

ринломон кунларимиз қадрини теранроқ ҳис этамиз. Ўша кезларда қишлоқ фуқароларига 25 сотихдан ер ажратилиб, томорқа майдонларини 4,5 баробарга кўпайтириш ҳақидаги хабарни

Орадан шунча йил ўтиб, Юртбошимизнинг ўша пайтлардаги «фақат ўз кучимиз, ўз салоҳиятимизга таяниб иш кўришимиз керак», «ўзимиз ҳаракат қилмасак, четдан келиб биров бизга ёрдам бермайди», деган даъватлари замиридаги улғу мақсадни бирданига англаш балки янги авлод вакилларига бироз мушкул туюлар. Аммо ...

шонли даврларида яшамокдалар. Ана шу давр фарзанди, унда кечаётган буюк ўзгаришларнинг гувоҳи сифатида ўзимда бекиёс гурур ва ифтихор ҳис этаман. Айни пайтда ана шу шонли давр яратувчиси Ислам Каримов тўғрисида халқимизнинг қадди тик, қадрли баланд, бахти бутундир. Буни ҳеч қачон унутмаслигимиз лозим».

Чиндан ҳам, ўтган йиллар давомида эришилган ютуқларга, ўзгариш ва янгиланишларга, фақат қиёслар орқалигина баҳо бериш мумкин.

Бугун ҳар йили Ўзбекистонда 6 млн. тоннадан ортиқ ғалла етиштириляётгани, мамлакатда ишлаб чиқарилган замонавий автомобилларнинг қатор давлатларга экспорт қилинаётгани, чекка бир вилоятимизда 1 йилда 1000 та юк автомобили ишлаб чиқарила бошланганини, қишлоқларда шаҳарлардагидан қолишмайди XXI аср уйлари, куриляётганини оддий ҳолдек қабул қилаяпти. Аммо истиқлолдан аввал бундай натижалар тушимизга ҳам кирмаганини, тахликали ҳаёт ташвишлари, тинчлик ва барқарорлик соғинчи билангина кун кечирганимизни ўйласак, до-

эштиб, қулоқларимизга ишонмаган эдик. Бу қуруқ ваъда, бу элни тинчлантиришнинг бир йўли, деганлар бўлгани ораимизда. Пахта етиштириш режаси 700 минг тоннага камайтирилганида эса кўпчилик хайратга тушган эди. Бу воқеалар атиги 21 йил аввал рўй берган эди, холос.

1990 йилнинг 4 августиде аҳолини озик-овқат, турмуш ташвишлари қийнаётган, 1700 та мактаб биноси авария ҳолатига келиб қолган кезларда Юртбошимиз Ўзбекистонда кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилиш тақлифини илгари сурган эдилар.

Бу чиндан ҳам ўша пайтларда ушалмас оруз, баъзи бир кимсалар таъкидлаганидек, хом хаёл эди.

Орадан 22 йил ўтиб, ўша орзуларнинг реал натижаларидан фарзандларимиз баҳраманд бўлмоқдалар. Бу «Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!» шорининг мазмун-моҳиятини англашданке бўлади бизга.

Марғилонлик тадбиркор Музаффар Хомиджонов истиқлол йиллари Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилган ислохотлар самараси Ўзбекистон-

нинг бир неча юз йилликлари учун мустақкам пойдевор бўлишини, бундай юксалишлар мамлакатнинг эртаси учун ўзига хос кўприк вазифасини ўташини фахрланиб ёзди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O'zLiDeP фракцияси аъзоси Клара Жумамуротова Ўзбекистоннинг 21 йиллик тараққиёт йўли, унда илгари сурилган гоё ва давлат миқсидеги дастурлардан бошқа мамлакатларда ҳам фойдаланиляётганидан фахрланишимиз керак, дейди. Қашқадарёлик O'zLiDeP аъзоси М.Сайдалиев эса таҳрирларга йўллаган хатиде тадбиркор сифатида дунёнинг жуда кўп мамлакатларида бўлганини, бизнинг энг катта бойлигимиз тинчлик, хотиржамлик ва эртанги кунга бўлган мустақкам ишонч эканини таъкидлайди.

— Ҳар бир кунимиз Ўзбекистонни ривожланган мамлакатлар қаторидан муносиб жой эгаллашга ақинлаштирмоқда, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси, Беруний туманидаги «Ақром» фермер хўжалиги раҳбари Пўлат Каримов. — Бугун биз 118 гектар ерда деҳқончилик қилаяпти. 100 гектарда пахта, 10 гектар ерда ғалла етиштиряяпти. Мустақиллик менга мулкдор бўлиш, мулкдор сифатида элим, юртимга нафим тегишига имкон берди. Бугун мен қаерга борсам Ўзбекистонимман, дея фахрланиб гапира оламан. Бир инсон учун бундан ортиқ бахт бўлмасе керак.

Нима учун бу фикрларни айтаяпман? Биз 21 йиллик байрамимизни нишонлашга тайёргарлик кўраётган пайтда айрим кўшни мамлакатлар ҳақидага ўз йўлларини қидираётганларини эшитапман. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон аҳли ўз Ватанини тақдиримсан, бахтимсан, дея эъзозлашга тўла ҳақлидир.

Шу ўринда табрикда журналистлар, соҳа мутахассисларига юксак ишонч

Холислик, аниқлик, тезкорлик

ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ФАОЛИЯТИ УЧУН АСОСИЙ МЕЗОН БЎЛИШИ ЛОЗИМ

Абдурашид ЖЎРАБОВЕВ,

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси

Давлатимиз раҳбарининг Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари йўллаган табрикда оммавий ахборот воситалари фаолият қўламага юқори баҳо берилиб, унинг инсон ва жамият ҳаётига таъсири мисли кўрилмаган даражада кучайиб бораётгани, бугунги кунда ахборот нафақат маълумот етказиш, шу жумладан, одамларни янгилик ва ўзгаришлар билан таништириш воситаси бўлиб хизмат қилаётганига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Табрикда, шунингдек, ахборот ва коммуникация тармоғи амалда ишлаб чиқарилиши йўналишларидан бирига — моддий, иқтисодий, маънавий соҳаларнинг ривожига ҳамда ўсишига ҳал қилувчи туртки берадиган, тез ривожланаётган энг замонавий соҳага айлиниб бораётгани ҳам эътироф этилди.

Ҳақиқатан ҳам, бугун мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари фаолиятига юксак эътибор қаратилганлиги уларнинг янада эркин иш юритишлари, том маънода мустақиллиги ва иқтисодий барқарорлигини таъминлашга хизмат қилмоқда. Зотан, мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданке ахборот соҳасида тизимли ва самарали ислохотлар изчил амалга оширилиб, энг аввало, халқро ҳуқуқини умумэътироф этилган нормаларига тўлиқ жавоб берадиган мустақкам қонунчилик базаси шакллантирилди. Ана шу асосда фаолият олиб бораётган оммавий ахборот воситалари жамиятимизда юз бераётган янгиланишлар, ислохотлар моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш баробарида, уларни янгича мазмун билан бойитиш ва янада чуқурлаштиришга ҳам муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Айниқса, рақамли ва мобил телевидение, интернет-телевидение, интернет-радио каби замонавий ахборот тармоқларининг таъсири тобора ортиб бораётган бир шариоитда ОАВ вакилларининг фаолигини янада ошириш муҳимдир. Юртимизда Интернет журналистикасини ривожлантириш, уни ҳар томонлама чуқур эгаллаш, бу борадаги ҳуқуқий асосларни янада такомиллаштириш ҳам миллий ахборот маданияти халқро медиа майдонидаги ўрни ва нуфузини мустақкамлашга имкон беради.

Шу ўринда табрикда журналистлар, соҳа мутахассисларига юксак ишонч

билдирилганини, бу ўз навбатида, қалам аҳлини янгича тафаккур билан, виждон амрига қўлоқ тутиб холислик, аниқлик ва ҳаққонийликка таяниб фаолият юритишга ундайди. Бу борада Президентимиз томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясидаги фикр ва гоёлар, белгилаб берилган вазибаларни ҳаётга татиқ этиш, шу бўйича амалга ошириляётган кенг қўламли чора-тадбирларни кенг тарғиб қилиш қатта аҳамият касб этади, албатта.

Ўз навбатида, қонун лойиҳаларини тайёрлаш жараёнида ОАВ вакилларининг фаол иштирокини таъминлаш муҳим эканини таъкидлаш жоиз. Зотан, ўзаро ҳамкорлик оммавий ахборот воситаларининг фуқаролик жамияти институтлари тизимидаги ўрнини янада кучайтиришга, фуқароларнинг сўз эркинлиги ҳамда танлаш ҳуқуқини таъминлашга қаратилган конституциявий ҳуқуқларини янада тўлиқ рўйбга чиқаришда катта рол ўйнайди.

Табрикда яна бир муҳим масала — бугунги кунда тез ўзгариб, мураккаблашиб бораётган замоннинг ўзи, тобора кучайиб бораётган турли таҳдид ва хатарлар оммавий ахборот воситалари зиммасига масъулиятли талабаларни қўяётганига эътибор қаратилди. Ана шундай бир вазиятда мустақил онг ва фикрга эга бўлган шахсини тарбиялаш, шу жумладан, аҳолининг, айниқса, ёшларнинг қалби ва онгиде мафкуравий бўшлиқ пайдо бўлишига йўл қўймаслик, уларни турли таҳдидлар, ахборот хуружларидан асраш, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳиде камол топтиришда оммавий ахборот воситаларининг дахлдорлигини ошириш энг устувор вазифалардандир.

Мухтасар қилиб айтганда, бугун мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётда содир бўляётган воқеа-ҳодисалар, истиқболдаги вазибалар моҳиятини кенг жамоатчиликка тез ҳамда холис етказишда оммавий ахборот воситаларининг куч ва имкониятларига таяниляётгани, бу борада соҳа ходимларига барча зарур шарт-шароитлар яратиб бериляётгани эътиборлидир. Зеро, фуқароларга зарур ахборотлар етказиш, шу орқали уларнинг ахборот олиш эркинликларини таъминлаш, пировардиде миллий ахборот маданияти янада ривожлантириш, шунингдек, халқро майдонда ўз ўрни ҳамда нуфузига эга бўлиш бугунги куннинг энг муҳим талаби ва шартидир.

Ёшлар қаноти

Талабалик ортда қолди. Навбат — кичик бизнесга

Давоми. Бошланғичи 1-саҳифада ◀◀

Шухрат РАҲИМОВ,
«XXI ASR»

Айни пайтгача эсе вилоятларда «Диплом билан — бизнесга» лойиҳасининг 2012 йилги ҳудудий босқичлари муваффақиятли якунланди. Уч кунлик ўқув курслари давомида битирувчилар учун тадбиркорлик «фаолиятига оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорликни молиялаштириш, гаров таъминоти турлари ҳамда гаров ҳужжатларини расмийлаштириш, кредит олиш йўли-йўриқлари, бизнес-режа тузиш бўйича батафсил маълумотлар берилди. Энг асосийси, қатнашчиларга «Микрокредитбанк» томонидан имтиёзли кредит олиш учун йўлланмалар берилди.

Андижон вилоятида ҳам мазкур лойиҳа доирасидаги тадбирлар ушқоқлик руҳида ўтди. Жорий йилнинг 14-16 июнь кунлари ташкил этилган ушбу тадбирда шаҳар ва туманларда ўтказилган танловларда голиб чиққан 160 нафар талаба иштирок этиди.

— Бу лойиҳада қатнашши ўз бизнесини йўлга қўйишга ёрдам берди, — дейди Улуғнор туманидаги Мингбулоқ агросаноат коллежи 3-босқич талабаси Холида Шарипова. — Бизнес-режам

учун «Микрокредитбанк» дан берилган 3 млн. сўм кредит асосида қандолатчилик цехини ташкил этидим. Учта иш ўрни яратдим.

— Мен эсе маҳалламизда яшовчи 14 нафар тенгдошимни иш билан таъминлаганимдан бахтиёрман, — дейди Қўрғонтепа туманидаги индустриал педагогика коллежи битирувчиси Сарвиноз Иминова. — Лойиҳа доирасида ажратилган 3 млн. 100 минг сўм кредит эвазига тикувчилик цехини ташкил этидим.

Маълумотларга кўра, Андижон вилояти бўйича лойиҳа иштирокчиларига умумий ҳисобда 490 млн. сўмдан зиёд кредит ажратилиши кўзда тутилган.

Бухоро вилояти тижорат банклари эсе касб-хунар коллежлари битирувчиларини тадбиркорликка жалб этиш учун 2012 йил давомида жами 1 миллиард 971 миллион сўмлик кредит ажратилиши режалаштирилган. Жорий йилнинг ўтган даврида шу мақсадда ажратилган кредитлар миқдори 840,3 миллион сўмдан ошиб кетди. Лойиҳада қатнашган 130 нафар иштирокчиларнинг барчаси ўз орзуларига эришишлари учун амалий ёрдам кўрсатган ташкилотчилардан миннатдорликларини баён этимоқдалар.

— Мен «Ўзалик саломи» очмоқчиман, — дейди Гижувон қурилиш ва



миллий хунарамандчилик касб-хунар коллежи битирувчиси Қўрсиной Нусратова. — Зотан, юртдошларимиз қанчалик гўзал ва ораста бўлишса, уларнинг кайфияти юқори, ҳаётлари сермазмун бўлади. Ўз бизнес лойиҳамни ҳаётга татиқ этиб, 5 нафар хотин-қизини иш билан таъминлаш ниятидаман.

— Бизнес лойиҳамдан тикув цехи фаолиятини ривожлантириш масаласи ўрин олган, — дейди Олот иқтисодий коллежи битирувчиси Оқила Маматова. — Билим ва хунар даргоҳимизда бухгалтерия хисоботи ва аудит йўналиши бўйича олган билимларим келгусида ти-

куччилик соҳасида иш юритишга хизмат қилишига ишонаман. Ўқув-семинар эсе мустақил фаолият олиб боришимда ўзига хос маҳорат мактаби вазифасини ўтади.

Шуни таъкидлаш керакки, ўтган 2011 йилда «Диплом билан — бизнесга» лойиҳасининг Бухоро вилоят босқичида қатнашган 124 нафар битирувчи ўз бизнесини ташкил этиб, жами 3000 нафардан ортиқ ёшларни иш билан таъминлаш имконини яратган эди.

Лойиҳанинг Самарқанд вилоят босқичида эсе ўрта махсус ва касб-хунар таълим муассасаларининг 163 нафар битирув-

чи талабалари иштирок этиб, тадбиркорликка оид билим ва кўникмаларини оширишга муваффақ бўлдилар.

Шу ўринда бир нарсани алоҳида қайд этиш керакки, бу йилги семинарлар иштирокчилари олий таълим муассасаларининг замонавий ўқув-лабораториялари, шинама хоналарида машғуллар олиб бормоқдалар. Ўқув-семинарлар жараёнида тадбиркорлар билан учрашувлар ўтказишга алоҳида эътибор қаратилганини таъкидлаш жоиз. Зеро, бу «Диплом билан — бизнесга» лойиҳасининг асл мақсадларига тўла мос келади.

Янгибой КЎЧҚОРОВ,

Коракалпоғистонда хизмат кўрсатган журналист

Президентимиз Ислам Каримовнинг матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган табрикини ўқиб, ана шу мулоҳазаларга ҳаёлимдан ўтди. Кутловдан наинки камтарин қалам аҳли, балки шу азиз, эркин ва обод Ватани тақдирини, бахтим, болаларимнинг тақдири, бахти деб билган ҳар бир инсоннинг юрак ҳўжайраларига қувват бахш этадиган эзгу сўзлар ўрин олган. Яъни, «Бизнинг энг юксак мақсадимиз бўлмиш тараққиёт топган замонавий демократик давлатлар қаторидан жой олиш». Эркин ва обод Ватанимизнинг ҳар бир гўшасидаги гўзал ўзгаришлар тамаддунимизнинг тилло томирлари нақадар теран эканини исботламоқда. Биз чин маънодаги демократик давлат ва фуқаролик жамиятини қуряпман. Бу йўлда давлатимиз раҳбари «ўз касбига садоқатли»,

«виждон амри билан яшаш»ни, «доимо интилиб, изланиб яшаш»ни бош мақсад қилган ҳамкасбларимизни ўзимнинг «энг яқин ҳамфикр ва маслакдошларим» деб атамоқдалар. Бу, шубҳасиз, соҳа ходимларига билдирилган юксак ишончдан далолат беради.

Маълумки, истиқлол йилларида ўзбек миллий матбуоти қатор ютуқларни қўлга киритди. Лекин табрикда алоҳида таъкидланганидек, «уларга маҳлиё бўлмас-лигимиз кеерак. Яшириб нима қилдик: бир пийёла ширин чойи учун ҳўлвани ўзи еб, калтакни етимларга қолдирган баъзи бир оёғи ердан узилган «ҳоким»ларни давомли «ҳамду санолар» билан улуғлаган, ҳали ҳам «эҳтиросини» жиловлай олмаётган ҳамкасбларимиз йўқми ораимизда?!

Баъзи бир таъмагир, фирибгар кимсаларнинг фирибгар ишлари матбуотда ошкор қилинганда шу соҳанинг аччиғи ва чучуғи қаноат қилиб, ҳаётини бағишлаб, ўз мақоласини мингта миннатли ошдан устун қўйиб яшаётган фидойилар қалбига

наштар бўлиб санчилмайди, дейсизми? Бирники — туманга деган гап бор. Яна бир гап. Президентимиз таъкидлаганларидек, бугун бизга «тахлилий ва танқидий чиқишларга алоҳида аҳамият бериш» асосида дадиллик керак. Ҳар бир асосли таҳлил, холис танқид бирон-бир ҳудуддаги вазиятни ўнғилагга хизмат қилади. Лекин баъзан муайян ҳудуд раҳбари атерофида матбуотга масъул кишилар дарҳол «Танқидингиз менинг каттамага ёп келтирди. Янги-си ёпиглик қозон ёпиглигича қолаверсин» дейишга борилади. Табрикда айтилганидек, бундай калтабин муносабат журналистнинг қўлини ишдан совутади. Аммо чумчуқдан қўрққан ҳеч қачон тарик эккан эса. Қаламин муқаддас қурол деб билган минг-минглаб маслакдошларимиз билан мамлакатимиз мустақиллигини янада мустақкамлаш йўлида машаққатли ва шарафли ишини савиясини юқори даражага кўтараверимиз, юксак марраларини эгаллашга муносиб улушимизни қўшаверимиз!

Муносабат

ХДП МАКТАБ ДЕВОРИНИ ҚУЛАТДИ

МАМЛАКАТИМИЗДА ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ МУҲИМ БОСҚИЧИ — ПАРТИЯЛАРАРО РАҚОБАТ ҲАМДА ФИКРЛАР ХИЛМА-ХИЛЛИГИ ШАРОИТИДА ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ЎЗИНИНГ АЗАЛИЙ ВА СИНАЛГАН УСУЛЛАРИДАН ВОЗ КЕЧА ОЛМАЁТГАНИ ХУСУСИДА ПАРТИЯВИЙ НАШРЛАРДА ТУРЛИ МУЛОҲАЗАЛАР БИЛДИРИЛАЁТГАНИ БЕЖИЗ ЭМАС

Қаҳрамон САЙДАЛИЕВ,
«XXI ASR»

«XXI asr» газетасининг 2012 йил 12 апрель сонидида «Қонун ижроси учун ким масъул?» сарлавҳали мақола эълон қилиниб, унда «Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»-ги қонуннинг жойлардаги ижроси қай даражада таъминланганлиги ва бу борада жамоатчилик назоратини ўрнатилганда сиёсий партиялар фаоллигига имкон қадар муносабат билдирилган эди.

Ушбу мақола чоп этилганидан кейин ХДП нашрида навбатдаги «жавоб мақола»си эълон қилинди. Биз «Широрлар билан эмас, балки амалий иш билан электорат ишончини қозониш мумкин» номли ана шу мақоладаги фикрларни таҳлил этиб, яна бир бор мазкур партия вакилларининг йўқдан бор қилишни мохирона ўзлаштирилганлигига амин бўлдик. Чунки мақолада ХДП депутатлари Оҳангаронда фаол иш олиб бораётгани, улар сессиялар кун тартибига ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётида муҳим бўлган қатор масалаларни олиб чиқаётгани ҳақида атрафлича сўз юритилди. Аммо аслида...

Маълумки, халқ депутатлари Оҳангарон туман кенгашининг 7 майдаги сессияси қарори билан айрим депутатлар сайловчилар ишончини қозона олмагани сабабли қақририб олингани боис кенгашда 48 нафар депутат,

жумладан, 24 нафар ХДП, 21 нафар О'зЛиДеР, 2 нафар «Адолат» СДП ва 1 нафар «Миллий тикланиш» ДП аъзолари фаолият олиб бормоқдалар. Оҳангароннинг

ман кенгашининг 2011 йил ва жорий йилнинг шу кунигача 12 та сессияси бўлиб ўтган. Лекин уларнинг биронтасида «Широрлар билан эмас, балки амалий иш

ган депутатлар учта сессияда фақат олиб борилаётган ишлар ҳисоботи билан қатнашганликларини айтиб ўтиш жоиз. Хусусан, улар томонидан VII сессия ишида депутатнинг ўз округида амалга оширилган ишлари ҳисоботи, X сессияда «Регламент ва депутатлик одоби» комиссиясининг ҳисоботи, XI сессия ишида эса «Ижтимоий-маданий ривожлантириш масалалари» бўйича доимий комиссиясининг 1-чоракдаги ҳисоботлари тингланган.

Мақолани тайёрлаш жараёнида туман ҳокимлиги нашри — «Оҳангарон ҳаёти» газетасида эълон қилинган айрим мақола-лар билан ҳам танишишга тўғри келди. Газетанинг 2012 йил 20 январь сонидида журналист Т.Степанованинг «Заботы перспективные и будущие» номли мақоласи чоп этилган. Унда «58-мактаб деворини таъмирлаш ишларида ЎзХДПдан сайланган депутатлар ёрдам кўрсатаётгани» хусусида сўз юритилди. Ушбу мақола мазмуни билан чуқурроқ танишганча, сиёсий партиялардан муҳим ва долзарб вазифалар ижроси талаб этилаётган бир пайтда оҳангаронлик ЎзХДП вакиллари қурилиш ишлари билан машғул бўлаётганларига амин бўлдик.

Аниқланишича, ҳақиқатан ҳам ХДП вакиллари 58-ёрдамчи мактабни таъмирлашда «фаол» иштирок этган эканлар. Аммо улар мактабнинг эски деворини йиқитишда қатнашдилар-у, аммо кейин қуримай кетибдилар. На-чора, бу ХДПга хос эски усул.

«Ўзбекистон овози»даги бундай мақола нима учун ва қандай мақсадда чоп этилди? ХДП нашри нега тўхтовсиз ёлгон маълумотлар билан газетхонларни чалғитишга уринмоқда, деган ҳақли савол туғилмайдими ўқувчида?!

маъмурий-худудий тузилиши ўзгариб, туман ва шаҳар бирлашган, депутатлик гуруҳлари ҳам қайтадан шакллантирилди. Аммо шу ўринда ЎзХДПдан туман ва собиқ Оҳангарон шаҳар кенгашларига сайланган депутатлар тўлиқ бирлашмагани сабабли халқ депутатлари Оҳангарон туман кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи (эътибор беринг!) ҳалигача шаклланиганини таъкидлаш жоиз. Натижада шу кунгача партия депутатлик гуруҳининг бирон-бир йиғилиши ўтказилмаган.

Бироқ шунга қарамай, ХДП вакиллари Оҳангаронда ҳам сайловчилар кўйини пуч ёнғоққа тўлдириб орқали сохта обрў орттириш ва бошқа сиёсий партияларни айблаганча жон-жаҳдлари билан уринмоқдалар. Мана бу мисолларга эътибор беринг: халқ депутатлари Оҳангарон ту-

билан электорат ишончини қозониш мумкин» номли мақоласида тилга олинган «Оҳангарон туманида инқирозга қарши кураш чораларининг бажарилиши ҳақида», «Хўл мева, сабзавот ва чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш орқали аҳоли бандлигини ошириш тўғрисида», «Туманда коммунал тўловларнинг аҳоли», «Туманда 2012 йилда қасб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаш» каби масалалар ХДП депутатлик гуруҳи томонидан туман кенгаши сессиясига киритилмаган. Ана энди «Ўзбекистон овози»даги бундай мақола нима учун ва қандай мақсадда чоп этилди? ХДП нашри нега тўхтовсиз ёлгон маълумотлар билан газетхонларни чалғитишга уринмоқда, деган ҳақли савол туғилмайдими, ўқувчида?!

Шу ўринда ЎзХДПдан сайлан-

Депутатлик назорати



Мутасаддилар ҳисоботини қониқарли баҳолаш мумкин. Аммо...

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Озод РАЖАБОВ,
«XXI ASR»

Кўнғирот туман Бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази директори Ниётбай Нуржановнинг ахборотида жорий йилнинг ўтган даврида режадаги 1739 та ўрнига 1764 та янги иш ўрни ташкил этилгани, унинг 691 таси мавжуд корхоналар қувватини ошириш, 153 таси фермер хўжалиқларини ривожлантириш, 94 таси яқка тартибдаги тадбиркорлик, 362 таси эса қасаначилик ҳисобидан яратилгани таъкидланди.

2011-2012 ўқув йилида тумандаги 5 та қасб-хунар коллежини 1639 нафар ёшлар битирган бўлса-да, шу кунгача коллеж, талаба ва корхона ўртасида атиги 401 та уч томонлама шартнома тузилгани бу борадаги ишларни янада жонлантириш лозимлигини кўрсатапти.

Ҳисоботларда қайд этилган рақамларнинг қанчалик асосли экани бизни кўпроқ қизиқтирмайди. — дейди туман кенгаши депутати Жонсобиет Даулетов. — Уларнинг барчаси тўғри бўлса, демак, туманимизда ёшларни иш билан таъминлаш учун етарли имконият бор. Шунга қарамай, туманимизда ёшларни иш билан таъминлаш учун етарли имконият бор. Шунга қарамай, туманимизда ёшларни иш билан таъминлаш учун етарли имконият бор. Шунга қарамай, туманимизда ёшларни иш билан таъминлаш учун етарли имконият бор.

Муҳокамалар чоғида мавсумий иш ўринлари ҳам ҳисоботларда доимий иш ўрни сифатида қайд этилгани маълум бўлдики, бундан мутасадди идоралар вакиллари жиддий ҳулосалар чиқариши лозимлигини депутатлар алоҳида таъкидладилар.

Шу ўринда депутатлар «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури асосида туман ёшларининг тадбиркорлик фаолиятини ва битирувчиларнинг бизнес лойиҳаларини молиялаштириш учун жами 96,5 млрд. сўм миқдорда кредитлар ажратилганини таъкидладилар. Аммо йил охиригача кредит олишга қийин, деб топилган лойиҳалар камлиги депутатлар эътиборидан четда қолмади.

Бунда О'зЛиДеРнинг «Диплом билан — бизнесга» лойиҳасида туман кенгашига хўжа-

мандаги юзлаб ёшлар фаол иштирок этиб, тадбиркорликка катта иштиёқ билан қараётганларини таъкидлаш жоиз. Қорақалпоғистоннинг яна бир шимоллий тумани — Қонликўлдаги депутатлар эса ушбу ҳудудда 2011 йилда фермер хўжалиқларининг давлатга пахта ва галла сотиш бўйича шартнома мажбуриятларини

ликларга кўрсатилаётган хизматлар учун қишлоқ хўжалиги йили якуни бўйича ҳисоб-китоб қилиш тартибини жорий этиш масаласини кўриб чиқиш тақлифини киритди.

Халқ депутатлари Нукус туман кенгашидаги О'зЛиДеР депутатлик гуруҳи эса туманда маиший хизмат ва сервисни ри-

О'зЛиДеРнинг Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесидида 31 нафар, шаҳар ва туман кенгашларидаги 161 нафар депутатлари ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим йўналишларидаги вазифалар ижроси юзасидан олиб борилаётган ишларни қатъий назорат қилмоқдалар.

«2012 йил — Мустаҳкам оила йили»

«Аёллар қаноти» жиззахлик аёлларни бирлаштирмоқда

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИДАГИ ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ҚАРИЙБ 3 МИНГ НАФАРИ О'ЗЛИДЕР АЪЗОСИ ЭКАНИ ПАРТИЯНИНГ ХОТИН-ҚИЗЛАРГА ОИД ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШНИ ТАҚОЗО ЭТМОҚДА

Наргиза КАҲҲОРОВА,
«XXI ASR»

О'зЛиДеР вилоят кенгаши «Аёллар қаноти» раҳбари Наргиза Мавлонованинг фикрича, 310 нафар опа-сингилларимизнинг бевосита тадбиркорлик соҳасида меҳнат қилаётгани тузилма томонидан эришилаётган натижаларда ҳам ўз ақсини топапти.

— Бугунги ислохотлар жараёни зиммамизга улкан вазифаларни юклаганди, — дейди Н.Мавлонова. — Биз эл-юрт ва биринчи навбатда электоратимиз манфаатини ўйлаб, асосий эътиборни уларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимларини ошириш, уларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, жойларда қабул қилинаётган қонунлар ижросини таъминлашга қаратмоқдамиз. Бундан, шубҳасиз, аёлларнинг ўрни ниҳоятда муҳимдир. Ана шундан келиб чиқиб, жойларда аёллар масаласига бағишланган 60 дан зиёд тадбирлар ўтказдик. Хотин-қизлар кўмитаси, «Камолот» ЁИҲ ва нодавлат нотижорат ташкилотлар билан ҳамкорликдаги саяё-ҳаракатларимиз сўғайиб-сиёсий ишлари самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этаётганини эса алоҳида таъкидлаш лозим. Дейлик, «Хунарманд аёл» уюшмаси, «Истиқболли авлод», «Қалб нури» каби ННТлар билан ҳамкорликда «Оилавий бизнесни ривожлантириш» лойиҳаси доирасида 128 нафар хотин-қиз тикиш-бичиш, кондитер маҳсулотлари тайёрлаш ва компьютер курсларида бепул ўқитилди. Флористлар уюшмаси ёрдамида 32 нафар аёл касаначилик асосида уй меҳнатига жалб этилди. «Истиқболли авлод» нодавлат нотижорат ташкилоти билан эса одам савдоси, ички-

ликбозлик ва бошқа салбий иллатларга қарши тарғибот-ташвиқот ишлари қатъий йўлга қўйилди. Хусусан, жорий йил бошида О'зЛиДеР вилоят кенгаши қошида «Дийдор» сайёр гуруҳининг тузилгани айтиш мумкин бўлди. Қисқа фурсатда 40 нафар опа-сингилларимиз сафимизга қўшилди. Зеро, либерал гояларга бўлган юксак ишонч жиззахлик аёлларга куч бағишлаб, уларни янги марралар сари руҳлантирмоқда.

Дарҳақиқат, шундай. Жиззахдаги «Гулдаста тортлари» нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхонаси, қолаверса, «Жиззах — ЦУМ» акционерлик жамияти қошидаги бошланғич партия ташкилотлари жамоанинг яқин мададкори бўлишга интилоқда. «Гулдаста тортлари» хусусий корхонаси раҳбари Гулбахор Мамазиеваннинг таъкидлашича, бу ерда БПТ ташкил этилган, хотин-қизлар ўз бурчларига янада масъулият билан ёндашадиган, билим ва тажрибаларини ошириш учун турли тадбирларда фаол қатнашадиган бўлдилар.



қизлар лойиҳасини молиялаштиришга қўмаклашишдан иборат. Агар юқорида тилга олганимиз — Насибанинг нияти амалга ошиб, лойиҳа голибига айланса, Жиззахда яна бир нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхона барпо бўлади. Асосийси, бу ҳам эмас. О'зЛиДеР айтиш кунда тадбиркорлик фаолиятини билан шуғулланмоқчи бўлган фуқароларни ўз атрафига бирлаштириб, уларнинг мақсад ва интилишларини қўллаб-қувватлашда ташкилотчилик қилапти. Ана шундай изланувчанлар орасида жиззахлик опа-сингилларимиз кўпайиб бораётгани эътиборга моликдир. Уларнинг изланишлари ўз самарасини бериши ва партиянинг тадбиркорлик соҳасидаги режалари тўла-тўқис амалга ошишига шубҳа қилмаймиз. Зеро, бунинг учун барча қонуний асослар мавжуд.

Ишбилармонлар учун янги газета

Матбуот ва ОАВ ходимлари байрами нишонланган сана — 27 июнь кунини мамлакатимизда чоп этиладиган газеталар сони яна биттага кўпайди. «Бизнес ва даромад» деб номланган ҳафталик нашр тахририяти тадбиркорлик билан шуғулланмоқчи бўлган инсонлар эътиборини жалб қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Зеро, «Yur Mass Media Press» ММҲ томонидан тасвир этилган иқтисодий-оммабоп нашрни қўлга олган ўқувчи унинг биринчи саҳифасида «даромад келтирувчи газета» деган тавсифни эътибордан четда қолдирилмаслиги аниқ. 3000 нусхада чоп этилган газета бош мақоласида таъкидланганича, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётган бир пайтда қўллаб-қувватлаш шижоатли кишилар ишбилармонлик орқали даромад топадилар. Янги газета эса айнан ана шундай юртдошларимизга мўлжалланган. Таъкидлаш жоиз: 12 саҳифадан иборат янги нашрнинг дастлабки сонидида «Янгиликлар», «Ислохот», «Маслаҳат» ва «Тажриба» сингари руқиялар остида қатор қизиқарли мақола ва хабарлар чоп этилган.

Азизова Раҳмонбиди номидаги Олмазор туманиб Себзор м, 17-18, 4 а, 34-хонадоннинг ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ. Хўжайли туманидаги маслакдошларимиз БПТлар етакчилари ўртасида «Энг фаол лидер» танловини ўтказиш таклифи билан чиқиди. Мазкур ташаббус О'zLiDeP туман кенгаши тизимидаги кўпчилик БПТлар томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Уларнинг айтишича, бу каби чора-тадбирлар партия аъзоларининг фаолиятини янада ошириш ҳамда уларнинг иштирокларини рағбатлантиришга хизмат қилади. Айни пайтда эса ушбу танловни ўтказиш шартлари ва қонун-қондалари ишлаб чиқилмоқда.

НАМАНГАН. «Агробанк» ОАТБнинг Жомашуй филиали қошидаги БПТ аъзолари яна 15 кишига кенгайди. Янги маслакдошларга аъзолик гувоҳномалари О'zLiDeP Мингбулак туман кенгаши раҳбарлари иштирокида ўтказилган йиғилишда тантанали равишда топширилди. Тадбирда, шунингдек, мазкур БПТ фаолиятини янада жонлантириш, аъзолик бадалларини тулаш ва партиявий топшириқларини ўз вақтида бажариш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

ЖИЗЗАХ. Вилоят партия кенгаши тизимида янги бошланғич ташкилот тузилади. Кенгашда ўтказилган навбатдаги партиявий тадбирда шу ҳақда маълум қилиниб, янги аъзоларга гувоҳномалар топшириш маросими ўтказилди. «Жиззах Цум» МЧЖ қошида ташкил этилган янги БПТ ҳозирча 7 нафар аъзоларга иштирокида фаолият олиб бормоқда. Ташкилот фаоллари келажакда тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш орқали партия аъзолари сонини янада кўпайтиришни режашилтиришмоқда.

e-mail: axtorotXlasi@yahoo.com, web sayt: www.21asr.uz

БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

2012 йил 5 июль, пайшанба, 27-(451)-сон

Эзгулик улашиб

АЖДОДЛАРИМИЗНИНГ «ЎЗИНГА РАВО КЎРГАН ЯХШИЛИКНИ БОШҚАЛАРГА ХАМ РАВО КЎР» ДЕГАН ПУРМАЪНО ҲИКМАТИ БОР

Ўз мухбиримиз

Тадбиркорлик ҳаракати кенг йўл очилиб, яратиб берилаётган имкониятлардан фойдаланган ҳолда ўз бизнесини ташкил этган, шу йўл билан нафақат ўзи ва яқинлари, балки халқ фаровонлигига улкан ҳисса қўшаётганлар орасида О'zLiDeP аъзолари кўпчиликти ташкил этаётгани қувонарли ҳолдир. Улар орасида бошқаларни ҳам хусусий бизнес фаолиятига жалб этиб, уларнинг «оёққа туриб олишлари»га амалий ёрдам кўрсатаётган тадбиркорларимиз борлиги эса фаолиятимиз бесамав эмаслигини кўрсатади. Қорақалпоғистонлик О'zLiDeP аъзоси Наргул Нағметова ана шундай партия фаолларидан.



Она анча йилдан буюн «Нағметова Наргул» хусусий фирмасини юритиб келади. Бундан тўрт йил аввал О'zLiDePнинг тадбиркорлар равангаи учун олиб бораётган фаолияти унга маъқул бўлиб, партиязо аъзо бўлди. Ўз ишчи-хизматчилари орасида ҳам либерал-демократик гояларни тарғиб эта бошлади. Корхонада партия аъзолари сони кўпайиб қолган, бошланғич партия ташкилотига асос солинди. Бугунга келиб, бу ерда 31 киши либерал гоялар тарғиботидан ташқари ишлаб чиқариш кўрсаткичларига ҳам ижобий таъсир этмоқдалар. Турли ёш ва маълумотга эга хотин-қизлардан иборат жамоа ҳар йили 6-7 миллион сўмга яқин даромад кўраётти. Эл-юртнинг тўй-ҳашамлари, яхши кунлари учун хизмат қилиб, мақтов олаётти. Аммо асосийси бу эмас. Энг яхши жиқати, Юрғулда айтганимиздек, Наргул она корхонасида ўзига хос маҳорат мактаби йўлга қўйилган. Яъни, тикувчиликка қизиққан 20 нафарга яқин қизларга икки ой мобайнида ҳунар ўргатилмоқда. Касб-

хунар коллежи ўқувчилари ва битирувчиларига эса эътибор алоҳида. Машгулотлар бевосита амалиёт билан боғлиқ ҳолда олиб борилапти. — Аввалги икки гуруҳдан танлаб олинган 15 нафар шогирдимни партиязо қабул қилишга тайёрлапман, — дейди БПТ етакчиси. — Уларга О'zLiDeP Низоми, дастури, умуман, партиянинг мақсад ва вазифалари, гоявий қарашлари хусусида тушунчалар берайпман. Тез орада бошланғич ташкилотимиз аъзолари 50 кишига яқинлашиб қолади. Бунинг учун эса энг аввало уларни электоратнинг орзу ва истакларидан хабардор қилиш, тадбиркорлар манфаатини ҳимоя қила олишимизга ишонтириш зарур, албатта.

Корхонадаги БПТ фаолиятидан Нукус шаҳар партия кенгаши мутасаддилари ҳам мамнун эканини таъкидлаш жоиз. Уларнинг айтишича, мазкур ташкилот республикада «энг намунали БПТ» дея эътироф этилган. Бу ердаги партия фаоллари аҳолининг турли қатлами, тадбиркор ва ишбилармонлар, фермерларнинг қонуний манфаатларини йўналдирувчи ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва бошқа масалалар бўйича юқори партия ташкилотига доимий тарзда таклиф ва тавсиялар тақдим этиб бориши билан ҳам ном қозongan. Ўзлари амалга ошираётган ишлар юзасидан фото альбом ва маълумотларни эса ҳар чоракда Сиёсий Кенгаш Ижроия қўмитасига юборишни қанда қилишмайди.

Таъкидлаш лозим, корхонада БПТ учун партия имижига тўла мос келадиган алоҳида хона ажратилиб, у зарур сиёсий адабий ва қўлланмалар, тарғибот-ташвиқот воситалари билан жиҳозланган. Яна шунинг қайд этиш керакки, БПТнинг олти нафар аъзоси фаоллиги, жамоатчилик фаолиятини шакллантиришга таъсир кўрсатиши ҳамда партия фаолияти ҳақида ахборотни жамоатчиликка етказиш ишларидаги ташкилотчилиги, бу борада фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат ташкилотлари ва фуқаролар билан бевосита ҳамкорлик қилишдаги фаоллиги учун Нукус шаҳар кенгашининг истиқболли кадрлар захирасига киритилган. БПТ раиси Наргул Нағметова эса О'zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши аъзоси этиб сайланган.

«Аёллар қаноти»

САМАРКАНД ВИЛОЯТИ

О'zLiDeP «Аёллар қаноти»нинг «Тадбиркорлик тамойиллари ва ишбилармонлик имкониятлари» лойиҳаси доирасида ўтказилган навбатдаги йиғилиши бу гал Каттақўрғон туманида бўлиб ўтди. Унда кичик бизнес, тадбиркорлик ва хизмат кўрсатиш соҳаларида аёлларни кенг жалб этиш ҳамда бу жараёнларда нодавлат ва нотижорат ташкилотлари иштирокчини ошириш масалалари атрофида муҳокама қилинди.

НАВОЙ ВИЛОЯТИ

Хатирчи туманида ташкил этилган давра суҳбати «Фермерлик фаолияти — тараққиёт манбаи» мавзусига бағишланди. Йиғилишда фермерлик соҳасини ривожлантириш орқали аҳоли турмуш даражаси ва фаровонлигини ошириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ҳамда чекка ҳудудларда иш ўринлари яратиш каби масалалар кўриб чиқилди.

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ

«Аёллар қаноти» бўлимининг Хонқа шаҳарчасида бўлиб ўтган «Соғлом оила — мустахкам оила» лойиҳаси доирасидаги анжумани «Аёлнинг оила ва жамиятдаги ўрни» мавзусига бағишланди. Тадбирда замонавий аёл тимсоли ва тафаккури борасида сўз бораркан, баркамол авлоднинг миллий анъана ва қадриятларга садоқат руҳида тарбиялашда унинг қанчалик маънавийяти экани муҳим аҳамият касб этиши қайта-қайта тилга олинди.

Абулфайз САЙИДҚАРОВ, «XXI ASR»

О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг IV мажлисида БПТлар фаолиятини қайта кўриб чиқиш, қозғош бору, амалда йўқ бошланғич ташкилотларни тугатиш бўйича кескин мулоҳазалар билдирилган эди. Бу эса барчага ўрناк бўлиши мумкин бўлган қуйи ташкилотлар иш тартибига қўяди. Ана шундан келиб чиқиб, Тошкент шаҳридаги энг намунали ва уюшқоқ бошланғич ташкилотлардан бири фаолиятини ўрганишга қарор қилдик. О'zLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши мутахассислари «Ўзавтойўл» ДАК қошидаги 26 нафар аъзога эга бошланғич партия ташкилотини тасвир этишди...

Айтиш жоиз, 2011 йилда «Ўзавтойўл» ДАК томонидан инвестиция дастури доирасида 233,4 миллиард сўмлик ишлар бажарилган. Бу эса режага нисбатан 108,5 фоиз дегани. Жами 131 километрлик йўллар реконструкция қилинган. Кичик бизнес вакилларига амалий ёрдам кўрсатиш мақсадига 38 та кичик корхона билан 644 миллион сўмлик транспорт хизмати кўрсатиш бўйича шартномалар имзоланган. Амалга оширилган тадбирлар натижасида 1088 та янги иш ўрни яратилган. Шундай кенг имкониятларга эга корхона қошида О'zLiDeP бошланғич ташкилоти мавжудлиги қувонарли ҳол, албатта.

Республика миқёсидаги ташкилотда ишлагач, мамлакатимизда рўй бераётган сиёсий жараёнлардан хабардор бўлиш, улардан четда турмаслик лозим, албатта. Биз ҳам сиёсий билимларимизни оширишни, партия аъзоси сифатида қандай иш юритиш кераклигини ўрганишни хоҳлаймиз. Фақат йиғилишларга таклиф этиш билан чекланмай, юқори партия ташкилотлари ҳеч бўлмаса, ҳар чоракда бир марта партия ишини яхши тушунадиган мутахассисни юборсалар, БПТ фаолияти билан қизиқсалар, мақсадга мувофиқ бўларди. Албатта, биз Мирзо Улуғбек туман партия ташкилоти мутасаддиларининг ўз зиммаларидаги вазифаларни имкон қадар бажараётганларига ишончимиз қомил. Аммо туманда 126 та БПТ, уларда эса 3600 та партия аъзоси мавжуд эканини эътиборга олсак, «26 нафар аъзоси бор», дея кўрсатилган БПТда амалда 3 нафар аъзо борлиги туманда партиявий фаолият талаб даражасида эмаслигини кўрсатади. Қолаверса, БПТларнинг қандай ишлаши учун йўл-йўриқ кўрсатиш, амалий ёрдам бериш туман кенгашлари зиммасидаги вазифалардан бири эмасми? Бошланғич партия ташкилоти, шубҳасиз, ҳар қандай сиёсий куч илдизидир. Бас, шундай экан, юқоридагидек ҳолатдан Мирзо Улуғбек туман кенгашидаги мутасаддилар билан бирга О'zLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши аъзолари ҳам жиддий ҳулосалар чиқаришлари лозим.

Сурхондаги энг намунали БПТ

МАЪЛУМ БИР ЖАРАЁН ЭКИ ВОҚЕА-ҲОДИСАГА БАҲО БЕРИШ УЧУН АЛБАТТА АНИК МЕЗОН, ҚИЁСЛАШ УЧУН ҚЎШИМЧА ОМИЛЛАР ТАЛАБ ЭТИЛАДИ

Ўз мухбиримиз

қуйи ташкилотлар Сурхондарё вилоятида ҳам талайгина. «Тасвирий ойна» уюшмасининг вилоят бўлими қошидаги БПТ ҳам «энг намунали» дея топилгани алоҳида қайд этиш жоиз. Мазкур ташкилот О'zLiDeP ташкил этилган пайтда — 2004 йилдаёқ партияга аъзо бўлган 8 нафар маслакдош томонидан тузилган. Партия гоя ва мақсадларини меҳнат жамоаси орасида кенг тарғиб этиш натижасида сафдошлар сони 30 кишига етди. Бошланғич ташкилот фаолларидаги жонқуярлик, масъулият ҳиссининг юксаклиги ва эришилган натижаларнинг тобора яхшиланиб бориши вилоят партия ташкилоти томонидан ҳам эътироф этилиб, мазкур БПТ 2011 йил 5 августда Сурхондарё вилоят кенгаши томонидан фахрий ёрлиқ билан тақдирланди.

Хўш, бошқаларга ибрат сифатида кўрсатилаётган ушбу бошланғич ташкилот ютуқларининг сирини нимада? Бу саволга БПТ раиси Феруза Холмирзаева шундай жавоб бериди: — Фаолиятимизда асосий эътибор аъзоларнинг билим ва қўбилиятига қаратилаяпти. Энг аввало, партияга аъзолар қабул қилиш масаласига жиддий ёндашялғимиз. Айрим ҳолатлардагидек, партия аъзолари сонини сунъий кўпайтириш яхшиликка олиб келмайди. Мен шунчаки рўйхатга тиркаб қўйилган 10 нафар аъзодан қура, том маънода партия иши учун жон куйдирувчи битта маслакдошни афзал қўраман. Шу сабабдан партия сафига киришни хоҳловчи номзодлар дунёқарашини, касбий маҳорат ва тажрибасини, инсонийлик хислатларини синчковлик билан ўрганиб, партиявий топшириқлар бериш ва натижаларини таҳлил этиш орқали ўрганишга, айниқса, ёшлар орасидан шундай кишиларни партия сафига қабул қилиш учун тайёрлаш ва уларга ҳар томонлама ёрдам беришга интиламиз.

Ферузанинг гапларида жон бор. Аслини олганда, БПТ етакчисининг халқ депутатлари Термиз шаҳар кенгаши депутати экани ҳам ушбу жамоада кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилишининг самараси, дейиш мумкин. Энг муҳими, асосий касб ва партиявий фаолиятни қўшиб олиб бориш маслакдошлар учун қийинчилик туғдирмапти. Бойси, «Тасвирий ойна»да маънавий-матрифей тарғибот билан шуғулланиш партия аъзоларининг малакаларини оширишга ҳам хизмат қилаяпти.

Шу ўринда бошланғич ташкилотнинг вилоят ва шаҳар кенгашлари томонидан ўтказилаётган тадбирларда фаол иштирок этиб, ўз ташаббуслари билан чиқайтгани, шаҳардаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишга муносиб ҳисса қўйишга интилаётгани ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Жумладан, йил бошидан буюн ушбу БПТ ташаббуси билан турли йўналишларда 9 та партиявий тадбир ўтказилди. Бошланғич ташкилот аъзолари ташаббускорликда нафақат ўз маслакдошларига, балки Термиз шаҳри аҳолисига ҳам ибрат бўлмоқдалар. Партия аъзолари аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий билимларини ошириш, қўбилиятли ёшларни партия фаолиятига кенг жалб этиш, кадрлар захирасини шакллантиришда ҳам шаҳар кенгашига яқиндан ёрдам бермоқда. Шундай бўлса-да, БПТ фаоллари ҳозиргача эришган ютуқларини асосий марралар олдидаги дебоча, деб билмоқдалар. Зеро, бундан-да юксакроқ натижаларга эришиш учун уларда билим ҳам, салоҳият ҳам етарли. Ҳар ҳолда БПТ фаолиятини яқиндан ўрганган киши шундай ҳулосага келиши аниқ.

XXI ASR
ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ ГАЗЕТАСИ

2012 йилнинг 5 июли
БПТлар учун имтиёзли
ОБУНА
уюштирилаётганини маълум қилади.

Мурожаат учун тел.нон:
(8-371) 215-63-80

Жараён

Ишончли ва барқарор ҳамкор

ҲАР ҚАНДАЙ МАМЛАКАТДА МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ МУКАММАЛЛИГИ НАФАҚАТ ИҚТИСОДИЁТ РИВОЖИГА, БАЛКИ ДАВЛАТНИНГ ХАЛҚРО МАЙДОНДАГИ НУФУЗИНИ, ФУҚАРОЛАРНИНГ ФАРОВОНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ХАМ МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ

Республикада ҳам замонавий банк тизими йилдан-йилга ривожланиб бормоқда. Президентимиз Ислам Каримовнинг 2010 йил 26 ноябрдаги «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, банк тизимини ислоҳ қилиш, юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришиш, молиявий барқарорликни ошириш ҳамда Ўзбекистон банк амалиётига фаолиятни баҳолаш ва таҳлил қилиш бўйича халқаро стандартларни жорий этиш вазифалари белгиланди.

Мамлакатимизнинг соҳадга ютуқлари, жаҳон молиявий инқирози шароитида банк-молия тизимини ривожланишининг барқарорлиги давлатимиз раҳбари раҳнамолигида амалга оширилётган кенг кўламли ислохотларнинг пухта ўйланганлигидан далолатдир. Экспертларнинг таъкидлашича, мамлакатимизнинг аста-секин ривожланиб бораётган банк соҳаси минтақада етакчилар қаторидан ўрин олиш, мамлакат иқтисодиётининг барқарорлигини ва динамик ривожланишини таъминлашга муваффақ бўлди.

«Мижоз банк учун эмас, банк миқоз учун» шiori ама қилаётган республикамиз тижорат банклари хизмат кўрсатишдаги замонавий ёндашуви орқали омонатчилар ишончини қозонишга эришмоқдалар. Энг муҳими, кун сайин ўзининг бўш маблағларини узоқ муддатли омонатларга қўйишга интилаётган фуқароларнинг сони ортиб бормоқда. Бу эса банкларга бўлган ишонч ортиб бораётганлигини кўрсатади.

Ўзбекистонда жадал ривожланиб келаётган «Asia Alliance Bank» очик акциядорлик-тижорат банки кредитлаш, қимматли қозғалар, пластик карточалар билан боғлиқ амалиётлар, ҳисоб-китоб-касса хизматларини кўрсатиш, валюта амалиётлари, юридик ва жисмоний шахслар реурслари бозорларида мустаҳкам мавқега эга бўлмоқда.

«Мустаҳкам оила йили» муносабати билан «Asia Alliance Bank» ОАТБ жорий йилнинг февралда аҳолига икки турдаги, яъни «Оила фаровонлиги» ва «Кулай омонат» омонатларини тақлиф қилди. «Оила фаровонлиги» омонати бир йил муддатга очилади ва биринчи бадалнинг энг кам миқдори чекланмаган. Омонат бўйича фоизлар йилга 24% миқдорда белгиланган. Бутун давр мобайнида омонатчи кўшимча бадаллар киритиб бориши мумкин. Фоизлар ҳар чоракда ва омонат муддати тугаганда тўлаб берилади, фоизлар капиталлаштирилмайди.

«Кулай омонат» банк томонидан омонат бўйича ҳисобланган фоизлар ҳисобидан коммунал хизматлар ҳақини тўлаш учун ишлаб чиқилган. Бу омонат тури бўйича фо-



Банк томонидан ўтган йили умумий қиймати 61,8 млрд. сўмлик кредитлар ажратилган бўлиб, шундан 58,3 млрд. сўми кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳиссасига тўғри келади. Жисмоний шахсларнинг истеъмол эҳтиёжлари учун эса 101,8 млн. сўмлик кредитлар йўналтирилган. Шундан 13,0 млн. сўм маблағ ёш оилаларга берилган.

излар капиталлашмасиз, йилига 23% ҳажмида белгиланган. Омонатчи ўз маблағларини банкка 1 йил муддатга қўяди ҳамда ўз реқвизитлари ва коммунал тўловлар бўйича ойлик тўлов суммасини кўрсатган ҳолда аризини тўлдиради. Фоизлар ҳар ойда ҳисоблаб борилади ва омонатчининг коммунал хизматлари ҳақини тўлашга ўтказилади. Бу омонатчи учун жуда қулай, чунки ўз пул маблағларининг сақланиб туришига ишончи қамил бўлади, айна пайтда ҳар ой банкнинг ўзи ҳисобланган фоизлар эвазига унинг коммунал хизматлари ҳақини тўлаб боради.

Шунингдек, «Asia Alliance Bank» болалар ва ёшлар учун ҳам омонат турларини тақлиф этмоқда. Масалан, хорижий валютадаги (АҚШ доллари ва еврода) «Болажон» жамғарма омонатини олайлик. Бу омонат тури 1 ёшдан катта болага у 16 ёшга тўлгунга қадар очилади. Фоизлар йилга 6% ҳажмида ҳисобланади ва муддати тугагач, омонат қўйилган валютада тўланади.

Шу билан бирга «Альянс Ешлик» омонат тури 13 ёшдан 16 ёшгача бўлган болалар учун очилади ва омонатчининг 16 ёшгача амал қилади. Омонат бўйича фоизлар 18% ҳажмида белгиланган.

Фарзандингиз ёки ўзингиз учун бирон нарса харид қилмоқчи ва айна пайтда ўз маблағларингизни сақлаб қолмоқчи бўлсангиз, «Бахтли Авлод» омонатидан фойдаланишингиз мумкин. Омонатчи ўз пул маблағларини 3 ой муддатга қўяди, унга йилига 24% ҳажмида фоизлар ҳисобланади ва омонат банкда расмийлаштирилган санада дарҳол уч ой учун бўнақ шаклида тўланади. Бошқача айтганда, сиз омонатни расмийлаштирган пайтда у бўйича фоизларни ола-

сиз, харидларингизни амалга оширасиз ёки бо-

шқа мақсадларга сарфлайсиз, айна пайтда омонат суммаси сақланиб қолади. Уч ой ўтгач, омонатингизни бутун ҳолда қайтариб олиш имкониятига эгасиз.

2011 йилнинг охирида «Asia Alliance Bank» ОАТБ «Ипотека» жамғарма омонатини жорий этди. У ипотекали кредитлаш бўйича бирламчи бадални шакллантиришни давом эттириш учун маблағ тўплаш мақсадида очилган. Омонатчи ўзининг пул маблағларини 3 йиллик муддатга қўяди, бирламчи бадал чекланмаган, бутун муддат давомида кўшимча бадаллар қабул қилинади. Фоизлар ҳар ойда йилига 14 фоиз ҳажмида капиталлаштирилган ҳолда тўланади.

Шуни таъкидлаш керакки, барча омонатлар бўш пул маблағларини ишончли ва фойдали сақлаш усули ҳисобланади. Аҳоли омонатларининг кафолатлари Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 5 апрелдаги «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги қонуни билан таъминланади, бу эса давлат томонидан пул маблағларининг қайтарилишини кафолатлайди.

Банк жамоаси «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури доирасида жисмоний шахслар учун кредитлаш ҳажмини кенгайтиришни мақсад қилмоқда. Унга қўра, ёш оилаларга мураккаб маиший техника, мебель ҳамда мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари томонидан тайёрланган бошқа узоқ муддат фойдаланиладиган товарларни харид қилишга истеъмол кредитларини ажратиш кўзда тутилган. Шунингдек, хотин-қизларнинг уй меҳнатини энгиллаштириш мақсадида ошхона ва маиший техникаларни харид қилиш учун ҳам истеъмол кредитлари ажратилади. Бундан ташқари, банк томонидан ёш оилалар-

га бизнесни ривожлантириш, коллеж битирувчиларига бирламчи сармояни шакллантириш ва бизнесни йўлга қўйиш, хотин-қизларни тадбиркорлик фаолиятига фаол жалб қилиш, оилавий тадбиркорликни ва хунармандчиликни ривожлантириш учун кредит ажратиш мўлжалланмоқда.

Жорий йилда банк ёш оилаларга қонунчиликда белгиланган тартибда келишилган, қурилишга доир белгиланган мезёрлар ва қондаланган мувофиқ, хусусий ёки намунавий лойиҳа асосида қурилган ёки қурилаётган турар-жойни сотиб олиш ёки қуриш, кўп қаватли турар-жойда квартира харид қилиш учун ипотека йўли билан кредитлаш ҳажмини кенгайтиришни режалаштирмоқда.

Қайд этиш жоиз, банк томонидан ўтган йили умумий қиймати 61,8 млрд. сўмлик кредитлар ажратилган бўлиб, шундан 58,3 млрд. сўми кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳиссасига тўғри келади. Жисмоний шахсларнинг истеъмол эҳтиёжлари учун эса 101,8 млн. сўмлик кредитлар йўналтирилган. Шундан 13,0 млн. сўм маблағ ёш оилаларга берилган. Турар-жой шароитларини яхшилаш учун 482,25 млн. сўмлик ипотека кредитлари ажратилган бўлиб, шундан 270 млн. сўми ёш оилаларнинг турмуш шароитларини яхшилаш учун сарфланган. Давлат дастури доирасида ажратилиши мўлжалланаётган кредитларнинг умумий суммаси 500 миллион сўмдан ортади.

Банкнинг барқарор фаолияти халқро миқёсда ҳам эътирофга сазовор бўлмоқда. Жорий йилнинг 24-25 июнь кунлари Парижда ўтказилган ISQI нинг XVI Халқаро Конвенциясида «Asia Alliance Bank» жамоаси «International Star for Leadership in Quality», яъни (Пешқадамлик ва сифат) халқаро мукофотига сазовор бўлди.

Умуман, иқтисодиётнинг қон томири ҳисобланган банк тизимида амалга оширилаётган чора-тадбирлар Ватанини оширишга, аҳолининг ҳаётий талаб-эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилаётир. Бу борада «Asia Alliance Bank» ОАТБ ҳам бор куч-ғайратини аяматир.

Банк матбуот хизмати.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ 2012 ЙИЛ 3 ИЮНДАН БОШЛАБ ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИ БЎЙИЧА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОВИ, СТАТИСТИКА ВА БОШҚА ҲИСОБЛАРИНИ ҚОРИТИШ, ШУНИНГДЕК, БОСҚОН ВА БОШҚА МАЖБУРИЙ ҲАҚЛАР УЧУН ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СУММА НИСБАТИ ҚУЙИДАГИ ҚИЙМАТНИ БЕЛГИЛАЙДИ:

*) Валюта қиймати белгиланишида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мажбуриятларини ўзи қайтадан сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

1 Дания кронаси	▲ 320,77
1 БАА дирҳами	▲ 514,24
1 Миср фунги	▲ 311,91
1 Исландия кронаси	▼ 15,09

1 Канада доллари	▲ 1854,70
1 Малайзия ринггити	▲ 596,07
1 Польша злотийси	▲ 565,95
1 СДР	▲ 2866,11

1 Туркия лираси	▲ 1043,91
10 Жанубий Корея вонни	▲ 16,53
1 Россия рубли	▲ 57,55

ЁШ ОИЛАЛАРГА ЯНГИ УЙЛАР

Навоий кон-металлургия комбинатининг Зарафшон, Учқудук, Нуробод, Зармитан, Маржонбулоқ шаҳарларида фаолият кўрсатаётган Марказий, Шимолий, Жанубий кон бошқармаларига қарашли худудларда ер ости бойликларини ўзлаштириш, шаҳар ва қўрғонларнинг инфратузилмасини тубдан яхшилаш, қулай, шинам ва замонавий турар-жой, маданий-маиший объектлар барпо этиш борасида ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Зарафшон шахридаги Марказий кон бошқармаси томонидан шахарнинг 12-кичик туманида 24 хонадонга мўлжалланган янги уй қурилиб, фойдаланишга топширилди. Мазкур турар-жойлар асосан ёш оилаларга берилди. Ушбу янги уй ағаларидан бири — Сухроб Назаров Марказий кон бошқармасига қарашли темир йўл бошқармасида муҳандис бўлиб ишлайди. Турмуш ўртоғи Дилноза эса шаҳар санитария-эпидемиология станциясида ҳамшира. — Мустаҳкам оила йили оиламиз учун қувончли воқеаларга бой бўлмоқда, — дейди Сухробжон. — Зарафшонлик қурувчилар томонидан бунёд этилган бу кўркам уйда барча қулайликлар мавжуд. Хонадонлар табиий газ, иссиқ ва совуқ суви, электр энергияси билан таъминланган. Президентимизнинг ёш оилаларга қўрсатаётган ғамхўрлик ва эътиборидан беҳад мамнунимиз. Айна пайтда мазкур кичик туманда 48 хонадонга мўлжалланган яна иккита турар-жой қурилиши давом этмоқда.

(ЎЗА).



Кўркам йўлак плиткалари

Қашқадарё вилояти Қарши туманидаги «Азгулимир хусускор тошлари» хусусий корхонасида бетон йўлак плиткालари ишлаб чиқарилмоқда. Замонавий технология билан жиҳозланган кичик корхонада кунига 50 квадрат метр кўркам плиткalar тайёрланиб, буюртмачиларга етказиб берилаетир. (ЎЗА).

Эълон

SD PAPER
MЧЖ корхонаси
2.5 кг. А4 ҳажмидаги офсет қоғозларини тақлиф этади.

SD PAPER
Laser, copier and inkjet
A4 80 500
100% Performance Guaranteed

Манзил: Тошкент ш. Ўзбекистон шаҳ. кўчаси, 16-А-уй.
Мурожаат учун телефон: 336-18-18, 245-37-77, 249-49-94.

М. РЎЗИЕВ

Реклама ўрнида

ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ 2 ИЮЛЬ КУНИ

Бутунжаҳон микромолиявий ташкилотларининг ахборот алмашинуви MIX-MARKET агентлиги

«МИКРОКРЕДИТБАНК»

очик акциядорлик-тижорат банки фаолиятини яна бир бор

«5 ОЛМОС»

даражасида баҳоланганини тасдиқловчи Сертификат тақдим этди.



Microfinance Information Exchange, Inc.
Certificate of Transparency



This certificate recognize:
Mikrokredit Bank of Uzbekistan

for achieving 5 Diamonds on the MIX Market improving the transparency, quality and reliability of microfinance information

Marten Leijon

Marten Leijon
Executive Director

Дунё хатар остонасида

ТАҲЛИЛЧИЛАРНИНГ ФИКРИЧА, 2050 ЙИЛДА ДУНЁ АҲОЛИСИ 9 МИЛЛИАРДГА ЕТАДИ. ХЎШ, ШУНЧА АҲОЛИНИ ОЗИҚ-ОВҚАТ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ УЧУН ЭКИНЛАРНИ КЎПАЙТИРИШНИНГ ЎЗИ КИФОЯ ҚИЛАДИМИ?

Файзулло АБДУЛБОКИЕВ

Қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича йирик тадқиқотчилар озиқ-овқат хавфсизлигига эришишнинг энг самарали йўли экин майдонларини кўпайтириш эмас, балки мавжуд ерлардан оқилона фойдаланиш эканини бежиз таъкидламаяптилар. Дунё аҳолисининг кўпайиши ва ривожланаётган давлатларда озиқ-овқатга бўлган талабнинг ўсиб бориши натижа-сида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари борган сари қимматлашиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас. Халқаро қишлоқ хўжалиги тадқиқоти бўйича маслаҳат гуруҳи раҳбари Френк Рижсберманнинг фикрича, энди озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаб йилдан-йилга ошиб бораверади.

«Қишлоқ хўжалиги бир неча ўн йиллар давомида эътибор-сиз қолган соҳа эди. Ана шу даврда биз мўл ва арзон озиқ-овқатга кўникиб яшадик. Натижада 2008, 2010 ва 2011 йилларда озиқ-овқат нархларининг кескин кўтарилиши бутун дунё аҳолисининг кўзини очди. Ўсиб бораётган дунё аҳолиси учун жуда катта миқдорда, 2050 йил-гача эса ҳозиргидан 70 фоиз кўп озиқ-овқат етиштириш лозимлигини энди англаб етти-миз», — дейди у.

Дунё аҳолиси сони 2050 йилда тўққиз миллиардга ети-ши кутилмоқда. Бу эса ҳозирги аҳоли сонидан икки миллиард-га кўп деганидир. Хўш, шунча одамни боқиб учун экинларни кўпайтиришни ўзи кифоями?

Экспертлар таъкидлаётган-ларидек, афсуски, бу муаммони ҳал этиш учун ечим бўл-майди. Чунки гектар бошига йиғиладиган ҳосил миқдори ўзгармай қолмоқда. Деҳқонлар-нинг қўлидан фақат кўпроқ ерни шудгор қилиш келмоқда ва улар шошилиш тарзда ерга эгалик қилишга уринаяптилар. Фермерлар кўпроқ ер ўзлаш-тиришга интилаверса, улар ат-роф-муҳит бужим муҳим бўлган табиий ҳудудларни шудгор қилишга ўтиб кетиши мумкин.

— Бу ўта ҳалокатли ва узокни қўзламаган бир иш бўлади, — дейди мутахассис Рижсберман.

Муаммонинг ягона ечими мавжуд қишлоқ хўжалиги ерларидан мўлроқ ҳосил олишнинг янги йўллари тадқиқ қилиш-дир.

Ҳа, чиндан ҳам айна пайтда бу масала дунёвий масалага айланди. Қишлоқ хўжалиги ус-тида кўлаб хусусий компания-лар ҳам тадқиқотлар олиб бо-раяптилар. Аммо улар асосан йирик тижоратчи деҳқонларга хизмат қилаётганларини унут-маслик лозим. Халқаро қишлоқ хўжалиги тадқиқоти бўйича маслаҳат гуруҳи аъзолари эса ривожланаётган давлатларда озиқ-овқатнинг асосий қисми-ни ишлаб чиқарувчи, икки гек-тардан кам ерга эга 500 мил-лиондан ортиқ деҳқонлар иш-лаб чиқараётганини таъкидла-

моқдалар.

Ташкилот жўхори, бугдой, гуруч, картошка, ширин кар-тошка навлари ҳамда балиқ ва айрим ҳайвонлар турини яхши-лашга қаратилган тадқиқот да-стурларини ҳам амалга ошира-япти. Қишлоқ хўжалиги соҳа-сидаги сўнгги тадқиқот натижа-ларини кичик деҳқонлар қўлига етказиш ҳам ташкилот олдида-ги муҳим вазифалардан бири-дир. Бозорга тезроқ кириб бо-риш йўллари ва ҳосилдан зар-рар кўришнинг олдини олиш каби маълумотлар деҳқонлар-га бериладиган ана шундай та-дқиқот натижалари қаторига ки-ради. Ташкилот, шунингдек, иқлим ўзгариши, озиқланиш ва аёллар муаммоларига ҳам ало-ҳида эътибор бермоқда. Чунки дунё бўйлаб қишлоқ хўжалиги соҳасида хизмат қилувчилар-нинг аксариятини аёллар таш-кил этади.

Мутахассисларнинг фикри-ча, озиқ-овқат нархларининг кескин қимматлашиши ривож-ланган давлатларда истеъмол-чиларга унча таъсир қилмаса ҳам, камбағал мамлакатлар аҳолиси бундан кўпроқ азият чекади. Агар озиқ-овқат нархи 10-20 фоизга ошса, даромади-нинг 80-90 фоизини озиқ-овқ-атга сарфлайдиган Африка, Осиё ва Латин Америкасидаги миллиардлаб камбағаллар қийин аҳволга тушиб қолиши мумкин. Чунки улар иқтимоий жиҳатдан ҳимоясиз. 2010 ва 2011-йилдаги нарх ўсишидан 44 миллиондан зиёд одам ази-ят чекади. Бу ҳолат айниқса, қашшоқ аҳолига тез таъсир қилади.

Халқаро қишлоқ хўжалиги тадқиқоти бўйича маслаҳат гу-руҳи яқинда Rio+20 конферен-циясида иштирок этди. Мута-хассислар ушбу тадбирда Ер саммити деб номланган халқа-ро анжуманининг 20 йиллиги ни-шонланганини таъкидлаётган-лар. Бир пайтлар маълум мас-салаларда қишлоқ хўжалиги ва атроф-муҳит ҳимоячилари бир-бирини тушунмаган бўлсалар, энди уларни озиқ-овқат муам-моси «яқин биродарлар»га ай-лантиргани бежиз тилга олин-маяпти. Яқинда Кэмп-Дэвидда бўлиб ўтган катта саккизлик йи-ғинида ҳам АҚШ президенти Барак Обама Озиқ-овқат ва озиқланиш хавфсизлигининг янги иттифоқи тузилганини эълон қилди. Бу иттифок хусу-сий секторни озиқ-овқат сано-атида катта миқдорда инвести-ция киритишга даъват этади. Мутахассисларнинг фикрича, Африка етарли даражада озиқ-овқатга эга бўлиши учун қишлоқ хўжалигига йўналтирилаётган сармоа миқдорини йилга 21 миллиард долларга ошириши керак. Акс ҳолда очлар ва қаш-шоқлар армияси ошиб бораве-ради.

Шундоқ ҳам БМТ маълумот-ларида она-сайёрамизда қаш-шоқлик ва очарчиликдан 25 ми-нг киши ҳалок бўлаётгани, уларнинг 60 фоизидан зиёди-ни аёллар, 25 фоизини эса бо-ларлар ташкил этаётгани тилга олинаёпти. Бу ҳар 5 сонияда

бир гўдак очлик қурбонига ай-ланаёпти, деганидир.

Ҳақиқатан ҳам, кейинги йил-ларда турли сабаблар, ҳатто инжиқ об-ҳаво ҳам дунёнинг асосий қишлоқ хўжалик минта-қаларини мураккаб аҳволга со-либ қўймоқда. Натижада Чика-го ва Париж биржасида дон маҳсулотлари сўнгги 2,5 йилда кескин қимматлашди. Шакар хомашёси эса жаҳон биржаси-да охириги 30 йил мобайнида мисли кўрилмаган даражада кўтарилди.

Айрим кузатувчиларнинг фикрича, Яқин Шарқ ва Афри-кани ларзага келтирган талат-ўплар ҳам бунга сабаб бўлмоқ-да. Ваҳоланки, сиёсий инқироз озиқ-овқат инқирозига олиб келишини айрим муҳолиф си-ёсатдонлар унутиб қўйган қури-надилар. Авваллари озиқ-овқ-ат танқислигини алоҳида олин-ган мамлакатда чегараларни ёпиб ҳам ҳал қилса бўларди. Бироқ кузатувчилар бугунги глобаллашув шароитда уни амалга ошириш мураккабла-шиб бораётганини очик эъти-роф эта бошладилар.

Иқлим исити минглаб гек-тардаги майдонларни яроқсиз аҳволга келтириб қўйгани зами-нимиздаги иқтимоий вазиятга ҳам салбий таъсир кўрсатмай қолмаяпти, албатта. Жаҳон озиқ-овқат дастури маълумот-ларига кўра, айна пайтда дунё-нинг 80 та мамлакатда 80 миллиондан ортиқ киши фавқ-уллода озиқ-овқат ёрдамига муҳтожлик сезмоқда. Нарх-на-вонинг кескин ошиб кетгани боис қашшоқлар ўз даромад-ларининг 75 фоизини фақат егулик учун сарфлаяптилар. БМТ маълумотларига эса шу кунларда ер юзи аҳолисининг 1 миллиард 300 миллиондан кўпроги оч-наҳор кун кечираёт-гани таъкидланмоқда. Ҳар йили дунё бўйлаб минглаб гектар майдонлардаги унумдор ерлар ҳажми камайиб бораётгани ҳам жиддий муаммолардан бири-дир. Қурғоқчилик, шўрланиш, чўлланиш ва бошқа сабаблар боис ҳосил чўги камайиб бо-раяпти. Халқаро ташкилотлар эса икки йил олдин содир бўлгани-дек, дон маҳсулотлари нархи яна осмонга сапчиши мумкин-лигини башорат қилишмоқда.

Хуллас, гуруч, бугдой ва маккажўхори нархларининг ўсиш динамикаси БМТ эксперт-ларининг тахминлари бўйича анчайин хавотирлидир. Яъни, нархлар ўсиб боравериши ба-робариди маҳсулотларга бўлган талаб етиштирилган ҳосилдан кўра ошиб кетавера-ди. Энг ёмони — дон захира-лари, айниқса, бугдой ва гуруч ҳосили сўнгги 10 йилдан бери энг паст даражага тушиб қолди. Воқеликни чуқур ўрганган иқти-содчилар остонамизда хавф солиб турган жаҳон озиқ-овқат инқирозига сабаб бўлаётган яна бир неча омилларни тилга олмоқдалар. Улар орасида иқтисодий ва экологик вазият алоҳида ажралиб туради. Олай-лик: сўнгги 50 йилдан бери қишлоқ хўжалиги маҳсулотла-рини етиштириш ҳажми ўсгани



ҳолда агробизнес услублари-нинг ўзгармай қолиши нафақат майда фермерларга, балки ат-роф-муҳит ва экологик барқа-рорликка ҳам мисли кўрилма-ган даражада зиён етказди. Айни пайтда қишлоқ хўжалиги-нинг келажаги иқтисодий, иж-тимоий ва экологик муаммо-ларнинг қай даражада ҳал эти-лишига боғлиқлигини ҳам унут-маслик керак. Кейинги 40 йил мобайнида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда антропоген технологияларнинг қўлланилиши оқибатида сайё-рамиздаги унумдор ерларнинг ҳам бир қисми яроқсиз аҳвол-га келиб қолгани, айниқса, ачи-нарлидир.

Шунинг учун ҳам аграр со-ҳани ислоҳ қилиш, уни замона-вий, зарарсиз технологиялар билан таъминлаш барча мам-лакатлар олдида турган энг долзарб вазифалардан бирига айланди, десак, хато бўлмайди. Чунки ер юзи аҳолиси сони кун сайин ошиб бораёпти. Айниқ-са, иккинчи жаҳон урушидан кейин дунёнинг деярли барча мамлакатларида «демографик портлаш» жараёни кузатилаёт-ти. Масалан, 1945 йилда Ер юзида 2,5 млрд. киши яшаган бўлса, 2010 йилга бориб бу рақам 7 млрд. дан ошиб кетди. Яъни, сайёрамиз аҳолиси 60 йилда 4 млрд. нафарга ўсди.

2000-2050 йилларга мўлжал-ланган тахминларга кўра, аҳоли сони асосан Осиё, Африка ва Латин Америкаси ҳисобига ярим асрда мўътадиллик билан 1,4 мартаба кўпаяди. Бу эса ўз-ўзи-дан қишлоқ хўжалиги маҳсулот-лари унумдорлигини замонавий технологиялар асосида оши-ришни, аграр тизимда банд бўлган деҳқон ва фермерлар сонини камайитишни талаб этади. Шу нуқтаи назардан ХВЖ, Жаҳон банки ва бошқа халқаро ташкилотлар Осиё ва Африка

мамлакатларида юз бераётган озиқ-овқат етишмовчилигига қишлоқ хўжалиги тизимининг эскиргани сабаб бўлмоқда, де-ган хулосага келди.

Маълумотларга кўра, ри-вожланаётган давлатлар жорий йилда четдан озиқ-овқат харид қилишга ўтган йилдагига нис-батан 10 фоиз миқдорда кўп маблаг сарфлашга мажбур бўладилар. Бошқача айтганда, озиқ-овқат импорти учун сар-фланиши кўпайиётган маблаг 500 млрд. долларга етиши мум-кин. Агар вазият шу тарзда да-вом этса, дунёда очлар ва тўқлар ўртасидаги тафовут яна-да чуқурлашади.

Юқорида таъкидлангани-дек, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти маълумотларига кўра, ҳар кун она-сайёрамизда қашшоқлик ва очарчиликдан 25 миң киши ҳалок бўлмоқда. Агар аср ва-боси, дея аталаётган ОИТС ха-сталигидан кунига 6 миң киши ҳаётдан кўз юмаетганини эъти-борга олсак, очарчилик ва қаш-шоқликнинг қўлами яққол намо-ён бўлади. Шарқий Африкада эса ҳосил камлиги, уруш ва мо-жаролар туфайли 15 миллион киши том маънодаги очарчи-ликка рўбарў келаётир. Сомал-да эса 3 миллиондан зиёд

аҳоли озиқ-овқат ёрдамига му-ҳтож. Узоқ йиллик қарама-қар-шилик азобларини бошдан ке-чираётган Суданнинг миллион-лаб фуқаролари тақдирига оид хавотирлар ҳам кунайиб бора-япти.

Хуллас, жаҳон ҳамжамияти яна бир жиддий синов остона-сида турибди. Бу, албатта, ин-сониятни ягона хулосага, аввал-ло, табиат, сув, ноз-неъматлар қадрига етиш, унинг ёзилмаган қонунларига зид тарзда иш юритмасликка, экологияга рия-этиш, халқаро муносабатларда адолатли, ўзаро манфаатларга асосланган сиёсат юритишга чорламоқда.

Воқеалар, далиллар, шарҳлар

ИНҚИРОЗ ЧЕКИНМАЯПТИ



Таҳлилчилар Европа мамлакатлари банк тизимидаги иқтисодий инқироз кунайиб бораётганини таъкидламоқдалар. Аввал хабар берганимиздек, Испаниянинг йирик банклари ҳам ана шундай ҳолатда фаолият олиб бораёпти. Мутахассисларнинг фикрича, айна пайтда испан банкларига инқироздан қутулиш учун 300 млрд. евро миқдорда маблаг керак бўлади.

Агар вазият шу тарзда давом этса, банк секторини қўлаб-қувватлаш учун давлат бюджетидан қўшимча маблаг олишга тўғри келади. Мамлакат бош вазири Мариано Рахой банк муаммолари қаралар қийматининг ўсишига олиб келмасидан унинг олдини олиш зарур, дея баёнот берди.

Эслатиб ўтамиз, бундан сал аввалроқ Fitch халқаро рейтинг агентлиги 18 та испан банки дефолтнинг узоқ муддатли рейтингини ва 15 та банкнинг барқарорлик рейтингини паст баҳолаган эди.

ФАЛАЖЛИК ДАВОСИНИ ШВЕЙЦАРИЯДАН ТОПАСИЗ



Хабарларга қараганда, швейцариялик олимлар бош миёга қон қўйилиши оқибатида келиб чиқадиган фалаж хасталигига даво бўладиган янги препаратни яратганлар. Мутахассисларнинг фикрича, мазкур дори воситаси фалаждан азоб чекаётган беморларга нажот бағишлайди. Олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра, ушбу хасталикка чалинган беморлар физиотерапия курслари билан шуғулланиш баробарида янги препаратни ҳам истеъмол қилганлар. Натижада орадан уч ой ўтиб, яъни даволашни курси давомида фалажга чалинган тана аъзолари фаолияти қарийб икки марта фаоллашган.

САМОЛЁТГА ЧИҚМОҚЧИМИСИЗ? УНДА РЕСТОРАНГА БОРИНГ



Хитойнинг Чунцин шаҳрида Airbus A380 авиалайнери шаклидаги ресторан очилди. Унинг ичи самолёт салонидан дярли фарқ қилмайди. Самолёт-ресторанда бир вақтнинг ўзида 100 та «йўловчи» тамадди қилиши мумкин. Ажабланирлиси, бинонинг ичи шу қадар бежирим жиҳозланганки, мижозлар ўзини худди самолётда учаетгандек ҳис қиладилар. Балки шунинг учун ҳам ресторанининг битта столига буюртма бериш 10 миң юань, яъни 1570 долларга тушаётгандир.

БОШПАНАСИЗ АССАМЛИКЛАР



Муссон ёмғирлари оқибатида келиб чиққан сув тошқинлари Хиндистоннинг Ассам штатида истикомат қилувчи 80 кишининг ёстигини қуритди. Икки миллионга яқин аҳоли эса ўз уйларини тарк этган. Сўнгги маълумотларга қараганда, штатнинг 11 нафар фуқароси бедарак йўқолган. Ҳукумат Ассамдаги табиий офат оқибатларини бартаф этишга 5 млрд. рупия (90 млн. доллар) ажратишни режалаштирган. Шунингдек, сув тошқинлари Хиндистоннинг Карнатака, Андхра-Прадеш ва Махараштра штатларида ҳам юз бериб турибди.

Ақбар МУЗАФФАРОВ тайёрлади.



ASR
Ijtimoiy-siyosiy gazeta

ОБУНА
ДАВОМ ЭТМОҚДА!

Мурожаат учун телефон: (8-371) 215-63-80,
E-mail: axborotXXIasr@yahoo.com, web sayt: www.21asr.uz

Ishbilarmon, mardlik va shijoat sohibi, azmi qat'iy,
tadbirkor va hushyor bir kishi ming-minglab
tadbirsiz loqayd kishilardan yaxshidir.

Сўнги саҳифа

Хабарлар

БИР ЮЗ САКСОН БИР КИШИЛИК ОИЛА

Хиндистоннинг Ҳимолай тоғлари этагида умргузаронлик қилаётган қабила вакили Сион Хан айти пайтда 39 нафар хотини, 14 канизаги, 94 нафар фарзанди ва 33 нафар набираси билан бир хонадонда яшайди, деб ёзади Daily Mail нашри.

«Катта оиланинг 181 нафар аъзоси роппа-роса 100 хонадан иборат 4 қаватли уйда яшайди», дейилади хабарда.

Маълум бўлишича, 24 гектарли дала ҳовлида етиштирилган қишлоқ ҳўжалиги (асосан ҳўл мевалар) маҳсулотларини сотиш, шунингдек, тадбиркорлик (хўнарандчилик ва меҳмонхона бизнеси) билан шуғулланган.

Ханлар топган даромадининг 50 фоизини рўзгорга сарфлайди. Зеро, битта тушликнинг ўзига 30 та товук, 100 кило гуруч ва 65 кило картошка сарфланади.

Аҳамиятли томони шундаки, оила бошлиғи кўчада ҳеч қачон бир ўзи юрмайди: оддий кунларда Сион Хан 8-12 нафар хотини билан сайр қилса, байрамларда унинг ҳамроҳлари 20-30 тага етади.

Шу ўринда оилада кимнинг қандай иш билан шуғулланиши қатъий белгилангани алоҳида таъкидлаш лозим.

Жумладан, Сионнинг хотинлари зиммасига навбатма-навбат овқат тайёрлаш юклатилган бўлса, унинг кизлари чекига уйлари йиғиштириш ва оила аъзоларининг кийимларини ювиш тушган. Уйлари ва ўғил набиралар дала ишлари билан шуғулланишдан ташқари дўкон ва меҳмонхоналарга кўча-қулоқ бўлиб турадилар.



«АРДУС» — ЯРИМ ФИНАЛДА!

Қуwaitда ўтказилган футбол клублари ўртасидаги Осиё чемпионатида қатнашган «Арду» (Тошкент) жамоаси мусобақанинг «плей-офф» bosқичига «В» гуруҳи голиби сифатида йўл олди.

Турнирнинг амалдаги чемпиони — Япониянинг «Нагоя Оушенс» жамоасига қарши ўтказилган дастлабки учрашувда 4:3 ҳисобидаги кийин галабага эришган Александр Петров шогирдлари 2-турда қўтилмаганда Ливаннинг «Ол Спортс» (2:6) клубига имкониятни бой бериб қўйгандилар. Шунга қарамай, Таиланднинг «Банк Рбак» жамоасига қарши ўтказилган ҳал қилувчи учрашувда керакли натижага (9:2) эришган ҳамюртларимиз гуруҳ беллашувларини биринчи поғонада яқунлашга муваффақ бўдилар.

Энди вакилларимиз ярим финалда Катарнинг «Ар Райан» жамоасига қарши паркетта тушадилар. «Нагоя Оушенс» эса «А» гуруҳидаги барча ўйинларда галаба қозонган «Санае Гити Пасанд» (Эрон) жамоасига рўбарў бўлади.

Эслатиб ўтамиз, ярим финал ўйинлари бугун (5 июль кuni) ўтказилади.

Кичик жамоанинг катта ютуқлари

КУРАШ ТУРЛАРИГА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН НАВОИЙ ВИЛОЯТ БОЛАЛАР ВА ЎСМИРЛАР СПОРТ МАКТАБИ 2011 ЙИЛНИНГ ЯНВАРЬ ОИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН БЎЛСА-ДА, ЎТГАН АНА ШУ ҚИСҚА ФУРСАТ ДАВОМИДА ЖАМОАНИНГ МУРАББИЙ ВА ЎҚУВЧИЛАРИ ТОМОНИДАН УЛКАН ЮТУҚЛАР ҚЎЛГА КИРИТИЛДИ

Мансур АСЛОНОВ, «XXI ASR»



Юртимизнинг бошқа жойларида бўлгани каби Навоий вилоятида ҳам фарзандларимизнинг соғлом ва бақувват ўсиши, жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланиши учун барча шарт-шароитлар яратилганки, бунга жавобан маҳаллий ёшлар спортнинг кўллаб турлари бўйича ижобий натижаларни қайд этмоқдалар.

Бу фикрлар яқинда бўлиб ўтган «Умид ниҳоллари-2012» спорт мусобақалари иштирокчиларига Юртобимиз йўлаган табрикда ҳам ўз ифодасини топган. Зеро, кўрсатилаётган гамхўрликларга жавобан галабага астойдил интилган навоийлик спортчиларга воқелик шохсупасига кўтарилиб, мусобақада умумжамоа ҳисобида фахри иккинчи ўринни банд этишга муносиб ҳисса қўшдилар. Ана шундай йиллик спорт тадбири беллашувларига тайёргарлик қўриш жараёнида, яъни 2011 йил бошида кураш турлариغا иختисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг ташкил этилиши вилоят спортчи ёшларини янада улкан ютуқлар сари руҳлантирди, десак муболага бўлмайди.

— Мактабимизда курашнинг барча турлари билан шуғулланиш учун кенг имконият яратилган, — дейди мактаб директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Гулсанам Раҳматова. — 324 ўринли мусобақа зали, 24x12 метр ўлчамли иккита маҳсулот зали, кичик футбол майдони доимо болалар билан гавжум. Ўтган йилнинг ўзида мактабимизга Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан 90 миллион, вилоятдаги тадбиркор-хотинлар томонидан 70 миллион сўм миқдорда маблағ ажратилиб, турли

хилдаги спорт инвентарлари харид қилинди.

Таъкидлаб ўтиш жоиз: мактабнинг ўқитувчи ва мураббийлари ёш иқтидорларни аниқлаш, уларни чинқиртириш ҳамда камолга етказиш бўйича тиминисиз изланиш олиб бормоқдалар. Ана шу меҳнат ва ҳаракатлар эса ўз самарасини бермай қолмапти, албатта. Жумладан, ўтган йилнинг 5-7 март кунлари Тошкент шаҳрида самбо бўйича ўтказилган Ўзбекистон чемпионида Гулсанам Раҳматова, 5 нафари эса спорт устаси тоифасига эга. Аёл мураббийларимиз сонини 8 нафарга етказганимиз эса кизларимизнинг курашга қизиқиши ортишига сабаб бўлмоқда. Ҳозир ўқувчиларимизнинг 142 нафарини маҳоратли спортчи қизлар ташкил этади, — дейди Гулсанам Раҳматова. — Шу ўринда қишлоқ ёшларига ҳам эътибор қаратаётганимизни айтиб ўтиш даркор. Хусусан, айтиш кунда мактабимизнинг Кармана, Нурота, Қизилтепа ва Навбахор туманларидаги филиалларида ҳам мунтазам машгулотлар олиб борилаётир.

Хулоса ўрнида айтиш лозимки, олис сафарни кўлаб йўлга чиққан карвон мисоли мактаб жамоаси бугун жонажон Ўзбекистонимизни дунёга танитишда, байрогимизнинг ҳалқаро майдонларда марғур хилланишига муносиб ҳисса қўшмоқликка астойдил бел боғлаган. Ана шундай эзгу мақсадларга эришишда уларга зафарлар ёр бўлишини тилаймиз.

— Бугунги кунда мактабимизнинг 6 та бўлимида 1698 нафар ўғил-қиз спортнинг эркин, миллий, юнон-рум, белбоғли кураш, самбо ва дзюдо турлари бўйича маҳоратларини оширишида 33 нафар мураббий жонбозлик кўрсатмоқда. Уларнинг 14 нафари олий маълумотли, 5 нафари эса спорт устаси тоифасига эга. Аёл мураббийларимиз сонини 8 нафарга етказганимиз эса кизларимизнинг курашга қизиқиши ортишига сабаб бўлмоқда. Ҳозир ўқувчиларимизнинг 142 нафарини маҳоратли спортчи қизлар ташкил этади, — дейди Гулсанам Раҳматова. — Шу ўринда қишлоқ ёшларига ҳам эътибор қаратаётганимизни айтиб ўтиш даркор. Хусусан, айтиш кунда мактабимизнинг Кармана, Нурота, Қизилтепа ва Навбахор туманларидаги филиалларида ҳам мунтазам машгулотлар олиб борилаётир.

Хулоса ўрнида айтиш лозимки, олис сафарни кўлаб йўлга чиққан карвон мисоли мактаб жамоаси бугун жонажон Ўзбекистонимизни дунёга танитишда, байрогимизнинг ҳалқаро майдонларда марғур хилланишига муносиб ҳисса қўшмоқликка астойдил бел боғлаган. Ана шундай эзгу мақсадларга эришишда уларга зафарлар ёр бўлишини тилаймиз.

— Бугунги кунда мактабимизнинг 6 та бўлимида 1698 нафар ўғил-қиз спортнинг эркин, миллий, юнон-рум, белбоғли кураш, самбо ва дзюдо турлари бўйича маҳоратларини оширишида 33 нафар мураббий жонбозлик кўрсатмоқда. Уларнинг 14 нафари олий маълумотли, 5 нафари эса спорт устаси тоифасига эга. Аёл мураббийларимиз сонини 8 нафарга етказганимиз эса кизларимизнинг курашга қизиқиши ортишига сабаб бўлмоқда. Ҳозир ўқувчиларимизнинг 142 нафарини маҳоратли спортчи қизлар ташкил этади, — дейди Гулсанам Раҳматова. — Шу ўринда қишлоқ ёшларига ҳам эътибор қаратаётганимизни айтиб ўтиш даркор. Хусусан, айтиш кунда мактабимизнинг Кармана, Нурота, Қизилтепа ва Навбахор туманларидаги филиалларида ҳам мунтазам машгулотлар олиб борилаётир.

Хулоса ўрнида айтиш лозимки, олис сафарни кўлаб йўлга чиққан карвон мисоли мактаб жамоаси бугун жонажон Ўзбекистонимизни дунёга танитишда, байрогимизнинг ҳалқаро майдонларда марғур хилланишига муносиб ҳисса қўшмоқликка астойдил бел боғлаган. Ана шундай эзгу мақсадларга эришишда уларга зафарлар ёр бўлишини тилаймиз.

МИЛЛИОН ДОЛЛАРЛИК ЧАНГЮТКИЧ

Американинг маиший техника ишлаб чиқаришга ихтисослашган Vacuums Unlimited компанияси олтин билан қопланган вакуумли GoVacuum GV62711 чангюткичини оммага тақдим этди. Дунёдаги энг қimmat мослама, дея эътироф этилаётган чангюткич қиймати 1 миллион АҚШ долларини ташкил этади.

Таъкидлаш кераки, 7,25 килограмм вазига тенг мазкур чангюткичининг корпуси ва бошқа деталлари 24 каратли сарик олтин билан қопланган, тутқичи ва роликлари уретан каучукдан асалган, ташқи қопи эса қўлда тикилган бўлиб, у бир норта иш режими ва туртиш қучига эга.

Шу ўринда ҳақиқий эксклюзив буюм каби GoVacuum чангюткичлари жаҳон бўйлаб чекланган миқдорда (100 дона) сотува чиқарилганини айтиш жоиз. Бунинг устига бундай «Олтин серия» бошқа ҳеч қачон чиқарилмайдиган, ҳар бир чангюткичда сериали рақам гравировка қилинган бўлиб, дунёнинг исталган жойига ҳақиқийлик сертификати билан бепул етказиб берилади.



Эзинг иссиқ бир кунда Афанди хасис бойниқига меҳмонна борди. Хизматкорлар муз солиб тоғорада айрон олиб чиққан эди, бой қўлига чўмич олиб, Афандига қошиқ берди ва ҳар ичганда «Оҳ-оҳ, роҳатдан ўламан-а» дер эди. Афанди айронни қошиқ билан ҳар қанча ичса ҳам чанқоғи босилмади. Охири у бойнинг қўлидан чўмични тортиб олар экан: — Инсофинг борми, лоақал мен ҳам бир марта ўлиб олай, — деди.

Ҳазил чекинишимиз газетхонларимизни ҳам мамлакатимизда ҳафта давомида қандай об-ҳаво кузатилади, деган савол билан уйлантириши табиий. Эътиборингизга ҳафталик башоратимизни ҳавола этамиз: Гидрометеорология маркази хабарига кўра, мамлакатимизда 5-13 июль кунлари ўзарувчан об-ҳаво кузатилади, ёғингарчилик қўтилмайди. Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро ва Навоий вилоятларида ҳаво бироз булутли бўлиб туради. Харорат кечаси 19-24, кундузи 36-41 даража иссиқ бўлади. Қашқадарё ва, Сурхондарё вилоятларида харорат кечаси 18-24, кундузи 37-42 даража иссиқ бўлади. Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида ҳам ҳаво ўзариб туради. Харорат кечаси 18-23, кундузи 36-41 даража иссиқ бўлади. Андижон, Наманган, Фарғона вилоятларида термометр кўрсаткичлари кечаси 18-23, кундузи 35-40 даража иссиқ бўлишини кўрсатади. Тошкент шаҳри ва пойтахт вилоятида ҳам ҳаво ўзарувчан бўлиб, шамол шарқдан 7-12 м/с. тезликка эсади. Харорат кечаси 18-23, кундузи 36-41 даража иссиқ бўлади. Республиканинг тоғли худудларида ҳаво ўзариб туради, ёмғир ёғмайди. Харорат кечаси 14-18, кундузи 23-28 даража илқ бўлади.

«MAN» АВГУСТА ЙЎЛГА ЧИҚАДИ



«MAN Auto-Uzbekistan» Ўзбекистон-Германия қўшма корхонаси мутасаддилари янги юк машиналари конвейерининг ағдир ойда иш бошлашини маълум қилдилар. Olan.uz сайтида хабар қилинишича, айти пайтда заводда йиғиш линиялари синовдан ўтказилмоқда. Самарқанд вилоятининг Жомбой туманида барпо этилган мазкур корхонада 2012 йил охиригача қарий 1000 дона юк машинаси ишлаб чиқарилади.

2013 йил охиригача эса йилига 6 мингта юк машинаси, шунингдек, уларнинг шассиларини ишлаб чиқаришни қўлаётган қўшма корхона лойиҳанинг кейинги bosқичларида ана шу кўрсаткични 10 минг донага етказишни режалаштирган.

НОЁБ ТАНГАЛАР МУЗЕЙГА ТОПШИРИЛАДИ

Маълумки, Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 23 мартдаги «Ўзбекистон Республикасида маданий бойлиқларнинг олиб чиқилиши ва олиб кирилиши масалаларини тартибга солиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, эллик йил муқаддам ва ундан олдин яратилган маданий бойлиқларни мамлакатимиздан олиб чиқиш таъқиқланган.

Шунга қарамай, айрим шахслар томонидан ноёб маданий бойлиқларни кингир йўллар билан олиб чиқиб ҳолатлари учраб турибди. Хусусан, яқинда «Келес» темирйўл божхона пости ходимлари томонидан «Тошкент-Екатеринбург» йўналиши бўйича қатновчи поезд йўловчиси, қўшни давлат фуқароси Е.Красоковнинг юклари назоратдан ўтказилганида байнонамода қайд этилмаган 180 дона хар-хил ёзув ва ўлчамдаги қадимий тангалар, 270 дона турли хил тарихий буюмлар борлиги аниқланди.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳузурдаги Бадиий экспертиза бошқармасининг ҳулосасида қайд этилишича, ушбу тангалар Темурийлар ва Шайбонийлар даврида, шунингдек, қадимги Ҳинд-Юнон ҳамда Чоқ давлатлари, Қанг ва Варахша шаҳарлари гуллаб-йшанган вақтда зарб қилинган бўлиб, бундай ноёб буюмларни Ўзбекистон Республикаси худудидан ташқарига олиб чиқиш қатъий тақиқланган. Тошкент шаҳар божхона бошқармаси ахборот хизматидан маълум қилинишича, энди ушбу ноёб бойлиқлар ўрнатилган тартибда Ўзбекистон халқлари тарихи музейи фондидан жой олади.

Шухрат ХҲҲАЕВ тайёрлади.

Реклама

КСИМЕЛИН®

Ксилометазолин

Быстрее насморка!

Рациональный препарат для слизистой носа, облегчает дренаж носовых пазух и снижает уровень отека.

Уменьшает воспаление слизистой оболочки.

Эффект наступает сразу же после применения и длится до 8-10 часов.

В течение дня необходимо применять препарат 3-4 раза, в зависимости от тяжести заболевания.

Точное дозирование исключает передозировку.

В упаковке 20 доз, удобная система дозирования.

NEW Новинка рынка в борьбе с простудой.

Показания к применению: Острые респираторные заболевания с явлениями отека слизистой оболочки, острый аллергический ринит, поллиноз, синусит, вазомит, средний отит (для уменьшения отека слизистой оболочки). Подготовка слизистой оболочки к другим лекарственным препаратам в носовом ходу.

Йодомарин®

Капсия йодид

Море всегда с тобой!

- Устраняет дефицит йода
- Повышает иммунитет
- Улучшает память и внимание

Состав: Йодомарин® 100 - содержание йода в одной капсуле 111 мкг (содержит 100 мкг йода). Йодомарин® 200 - содержание йода в одной капсуле 222 мкг (содержит 200 мкг йода).

Показания: Профилактика йоддефицитных заболеваний, связанных с недостаточным потреблением йода в пище и/или в воде, эндемический зоб, гипотиреоз, беременность и период лактации. Лечение дефицита йода при беременности.

Дозировка: Профилактический прием - по 1 капсуле 1 раз в день. Беременные и кормящие женщины - по 2 капсулы 1 раз в день. Дети - по 1 капсуле 1 раз в день. Пожилые люди - по 1 капсуле 1 раз в день.

Формы выпуска: Йодомарин® - Таблетки 100, 200 мг в упаковке.

BERLIN - CHEMIE MENARINI